

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM
VAZIRLIGI

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MADANIYAT VA SPORT ISHLARI
VAZIRLIGI

O‘ZBEKISTON DAVLAT SAN‘AT VA MADANIYAT INSTITUTI
“HALQ IJODIYOTI” FAKULTETI
“IJTIMOIY MADANIY FAOLIYAT” YO‘NALISHI

“MADANIYAT VA SAN‘AT MUASSASALARINI TASHKIL ETISH VA
BOSHQARISH” KAFEDRASI

“OILADA KATTA AVLOD VAKILLARINING

O‘RNI VA ROLI”

MAVZUSIDAGI

BITIRUV MALAKAVIY ISHI

“Bitiruv malakaviy ish kafedrada
dastlabki himoyadan o‘tdi”

“Madaniyat va san‘at muassasalarini
tashkil etish va boshqarish”
kafedrasining ____ - sonli yig‘ilish
bayonnomasi

“ ____ ” ____ 2013 yil

Kaf.mudiri _____ M.B.Bek
murodov

Bajardi: “Ijtimoiy madaniy faoliyat”
ta‘lim yo‘nalishi 4-kurs bitiruvchisi

AlimovUmid

Ilmiy raxbar: s.f.d. professor

A.Umarov

Toshkent-2013 yil

МУНДАРИЖА:

КИРИШ.

I-БОБ. ОИЛАНИНГ ИЖТИМОЙИ ИНСТИТУТ СИФАТИДА ИНСОН ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ.

1.1. Шарқ мутафаккирлари асарларида оила қуриш ва фарзанд тарбияси масалалари.

1.2. Оила – миллий қадрият сифатида.

II-БОБ. ОИЛАДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ ВА АВЛОДЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР.

2.1. Ота-онанинг фарзанд тарбиясидаги масъулияти ва бурчлари.

2.2. Инсоний хусусият ва фазилатларнинг оилада шаклланишида катта авлод вакиллари таъсири ва роли.

III-БОБ. КАТТА АВЛОДЛАР – ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИНИНГ ТАЯНЧИ.

3.1. Оиладаги муаммолар ва келишмовчиликларни бартараф этишда катта авлодларнинг ўрни.

3.2. Мустаҳкам оила қуриш ва баркамол авлодни тарбиялашда катта авлод вакиллари тажрибаси – ўрнак намунаси.

IV. ХУЛОСА

V. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Иловалар

КИРИШ

Битирув малакавий ишининг долзарблиги.

Маълумки, инсонга ҳаёт бир марта берилади, шу жиҳатдан ҳар бир одамнинг бу дунёдаги умри бетакрор. Ҳеч ким бу дунёда жисман абадий яшай олмайди. Инсоннинг умри ҳар қанча узоқ бўлмасин, барибир, бир кун келиб, бу дунёдан кўз юмади, уни тарк этади. Донишмандлар фикрича, энг узун умр билан қисқа умрнинг ҳеч фарқи йўқ. Асосий масала – Яратгanning омонати бўлган умрни мазмунли яшаб ўтишда. Инсон бу дунёдан ном-нишонсиз ўтиб кетмаслиги учун имкони борича ҳаракат қилиши лозим. Шундай яшаш керакки, ҳаёт бекорга ўтмаганлиги, оила, фарзандлар, миллат ва Ватан учун яхши ишлар қилиб, умр самарали, мазмунли ўтганлигига қониқиш ҳис этиб, бу ҳаётдан рози бўлган ҳолда кўз юмиш лозим.

Бунинг учун ҳар бир киши дунёга келиб, эсини таниганидан кейин, ҳаёт йўлини тўғри белгилаши, ўз ўрнини топиши, ҳаётда онгли яшаши, ўз олдига буюк ва олижаноб мақсадлар қўйиб, уларни амалга ошириш учун доимо сабот ва қунт билан ҳаракат қилиши, курашиши зарур. Инсон ҳаёти эзгу орзу-ниятлар, уларга эришиш йўлидаги ташвишлар, доимий ҳаракатлар, фарзандлар камолини кўриш, Ватан равнақи йўлидаги саъй-ҳаракатлар билан ширин ва мазмунли бўлади.

Албатта, ҳар бир одам, фарзандларининг бахти ва камолини кўришни орзу қилади. Ўзи кўрмаган бахтли кунларни фарзандлари, набираларим кўрса деб, келажакка катта умидлар билан боқади.

Бу орзу-ҳавасларнинг рўёбга чиқиши, қолаверса, инсон ҳаётининг мазмуни – фарзандларни баркамол инсонлар этиб тарбиялашга боғлиқ. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, фарзандлар тарбияси – ўзбекларда қадимдан энг муҳим вазифалардан бири саналган. Халқимизда: “Бола азиз, одоби – ундан азиз”, “Ўнта бўлса – ўрни, қирқта бўлса – қилиғи бошқа”, “Фарзанд – умр чироғи”, “Болалик уй – бозор, боласиз уй – мозор”, “Ўттизга кирганингда ёнингда ўтин терадиган дастёринг бўлсин”... каби жуда кўплаб мақол ва ҳикматли иборалар бежизга яратилмаган. Қолаверса, дунёга илм-маърифат

нурини сочган буюк алломаларни етиштириб беришда миллатимизга тенглашадиган бошқа миллатни топиш мушкул. Бу ҳам, энг аввало, ўзбек миллатига хос закий тарбиянинг маҳсули, дейиш ўринлидир.

Халқимиз Истиқлолга эришгач, баркамол авлод тарбиясига давлат сиёсатининг энг муҳим йўналиши сифатида эътибор қаратила бошланди. Мамлакатимизнинг энг биринчи олий нишони “Соғлом авлод учун” ордени деб номлангани фикримиз исботидир. Зеро, барча саъй-ҳаракатлар ва орзу-умидларимиз – соғлом ва баркамол авлод тарбияси билан чамбарчас боғлиқ. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, “Мамлакатимиз ёшлари нафақат ишончимиз ва келажагимиз, ёшларимиз – бугунги ва эртанги кунимизни ҳал қилувчи кучдир”.¹

“Биз фарзандларимизни Ватан равнақи, юрт танчилиги, халқ фаровонлигига эришишдек олий мақсадларимиз руҳида тарбиялашимиз, уларни ана шу мақсадлар сари етаклашимиз керак. Мен “етаклаш” деган сўзни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман. Агар биз бу масалада сусткашликка, бепарволикка йўл қўйсак, болаларимизни бошқалар етаклайди”.²

«Барчамизга маълумки, ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат аввало, ўз фарзандлари қиёфасида, униб-ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида шу халққа хос хусусият ва фазилатларни намоён этадиган, унинг азалий интилишларини рўёбга чиқарадиган буюк кучни кўради».³

Жамият ва давлатнинг ҳар томонлама ҳимояланганлигини таъминлаш воситаси сифатида баркамол авлод – ёшлар масаласининг долзарблиги яна қуйидагиларда кўринади:

- биринчидан, Ўзбекистон ёш фуқаролари кўп бўлган мамлакатдир. Республикамизда 18 ёшгача бўлганлар 10 миллион 360 минг нафарни ёки

¹ Каримов И.А. Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қтыат билан давом эттиришдир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маъруза // Халқ сўзи.-2007. 8 декабрь.

² Каримов И.А. Ватан равнақи учун барчамиз масъулмиз. 9-жилд.-Т.: “Ўзбекистон”, 2001.-189 бет.

³ Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида.- Т.16.-Т.: “Ўзбекистон”, 2008.-162-б.

аҳолининг тахминан 40 фоизни, 30 ёшгача бўлганлар эса – 17 миллион 80 минг нафарни ёки жами аҳолининг 64 фоизини ташкил этади;⁴

- иккинчидан, ёшлар миллий қадриятларимизни келгуси авлодларга етказувчи, ворисийлик анъанасини давом эттирадиган қатламдир;

- учинчидан, ёшлар жамиятимизда олиб борилаётган ислохотларнинг давомийлигини таъминлайдиган кучдир;

- тўртинчидан, мамлакатимизда шахс ва жамият манфаатлари тизимида ёшлар омили алоҳида аҳамият касб этгани ҳолда миллий хавфсизлик тизимининг муҳим қисмини ташкил этади;

- бешинчидан, ёшлар табиатан тақлидга, эргашишга мойил, жамиятга янги ғояларни ташувчи, онги тўлиқ шаклланиб улгурмаган, таҳдид-бардошлик даражаси аҳолининг бошқа қатламларига нисбатан суст бўлган ўзига хос демографик гуруҳдир.

Шунингдек, бу тадқиқотнинг долзарблиги – инсон ҳаётининг мазмуни, ўтаётган умридан рози бўлиши, шахсий бахт-саодатга эришиш, қолаверса, муқаддас юртимизда буюк давлат қуришдек улкан мақсадга эришиш энг аввало, муносиб фарзандлар – баркамол авлод тарбияси билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатишдир.

Бу ўта долзарб вазифа оилада катта авлод вакилларининг ўрни ва ролига боғлиқлиги, жамиятда ворисийлик ва маънавий уйғунлиги орқали рўёбга чиқишини илмий таҳлиллار орқали кўрсатишдир.

Битирув малакавий ишининг мақсади – оилада катта авлод вакилларининг ўрни ва ролини миллий-маънавий меросимиз намуналари, ахлоқий ва диний қадриятларни янада кенг тарғиб этиш орқали кучайтиришга хизмат қилишдан иборат. Бунинг учун мавзуни, жамият миллат ёки жамоанинг тарихан таркиб топган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, уларнинг ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, муайян ижтимоий шароитларда шаклланган ақлий қобилияти, руҳий қуввати – яъни миллий

⁴ Каримов И.А. Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қтыат билан давом эттиришдир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маъруза // Халқ сўзи.-2007. 8 декабрь

менталитет (тийнат)и нуқтаи-назаридан тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Миллатимизнинг асрлар давомида шаклланган ва сайқал топган бу хусусиятлари давр тақозосига монандлиги билан ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир. Шунини айтиш керакки, миллатнинг менталитети фақатгина қадриятлар ҳазинаси билан белгиланмайди. Миллий менталитет миллатнинг кундалик ҳаёти, унинг ўзини тутиши, бўлаётган воқеа, ҳодиса ва жараёнларга муносабати, ҳуқ-атвори, феъли, хатти-ҳаракати орқали ҳам намоён бўлади. Бу нарсалар катта амалий аҳамиятга эга, зеро миллат ҳаёти кундалик ҳаётда миллионларнинг амалий муаммоларини ҳал этишида айрича намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таълимотида баркамол авлод тарбияси масалалари, ворисийлик ва маънавий уйғунлиги каби масалаларга ҳам эътибор қаратилган. Бу таълимот эса ушбу тадқиқотнинг йўналтирувчи ва дастурий асосларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг мақсади — баркамол авлод тарбиясида аждодларимизнинг бой маънавий меросидан янада кенгроқ фойдаланиш, катта авлод вакиллари ва ёшлар ўртасидаги ворисийлик ҳамда маънавий уйғунлигини кучайтириш йўллари ижтимоий-педагогик таҳлил қилишдан иборатдир.

Битирув малакавий ишининг вазифалари:

- Шарқ алломаларнинг маънавий мероси, муқаддас битиклар, хусусан ислом динида оила, фарзанд тарбияси ва ота-она масъулияти ҳақидаги қайдларни ўрганиш ҳамда умумлаштириш;
- Ўзбек оиласига хос қадриятлар, урф-одатлар ва уларнинг фарзанд тарбиясидаги аҳамиятини таҳлил қилиш;
- Оилада маънавий-ахлоқий тарбия ва унинг муаммоларини бартараф этишда катта авлод вакиллари таҳлилини таҳлил қилиш;
- Баркамол авлодни тарбиялашда катта авлод вакиллари таҳлилини таҳлил қилиш;

- Инсоний фазилатларнинг оилада шаклланишида катта авлод вакилларининг таъсирини таҳлил қилиш;

- Оилада ворисийлик қадриятларини жонлантириш ва янада такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш.

Битирув малакавий ишининг назарий ва методологик асослари.

Шарқ алломаларнинг маънавий мероси, диний, бадий ва тарихий адабиётларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида баён этилган фикрлар битирув малакавий ишининг назарий асоси бўлиб хизмат қилди.

Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги. Баркамол ва соғлом авлод тарбияси – давлатимиз сиёсатининг энг асосий йўналишларидан бири саналади. Юртимизда ўтган йилларнинг “Инсон манфаатлари йили (1997)”, “Оила йили (1998 й)”, “Аёллар йили (1999 й.)”, “Соғлом авлод йили (2000 й.)”, “Оналар ва болалар йили (2001 й.)”, “Қарияларни қадрлаш йили (2002 й.)”, “Обод маҳалла йили (2003 й.)”, “Меҳр ва мурувват йили (2004 й.)”, “Ижтимоий ҳимоя йили (2007 й.)”, “Ёшлар йили (2008 й.)”, “Баркамол авлод йили (2010 й.)”, “Мустаҳкам оила йили (2012 й.)” деб номланишида ҳам ана шундай эзгу ниятларимиз билан боғлиқ амалий саъй-ҳаракатлар акс этган.

Оилада ҳар бир инсоннинг тарбиясига асос солинади. У болада шаклланиши лозим бўлган барча инсоний фазилатларни тарбияловчи ҳаёт мактаби ҳисобланади. Шунинг учун ота-онанинг соғ-саломатлиги, дунёқараши, ахлоқ-одоби, моддий ва маънавий даражасининг мослиги, турмуш қуришга маънавий ва жисмоний тайёрлиги фарзанд кўриш ва унинг тарбиясида муҳим аҳамиятга эга.

Оила ва фарзанд тарбияси ҳақида ўтмиш донишмандлари томонидан жуда кўплаб бебаҳо асарлар битилган. Бизнинг давримизда ҳам оила ва фарзанд тарбиясининг турли жиҳатлари ҳақида сон-саноксиз асарлар ҳамда тадқиқотлар ёзилган ва ёзилмоқда. Бу йўналишдаги ишлар изчил давом этмоқда. Чунки, оила равнақи ва фарзанд тарбияси масаласи ўз долзарблигини ҳеч қачон йўқотмайдиган, инсонга доимо ҳамроҳ, ҳар доим

зарур бўлган абадий мавзулардан бири саналади. Бинобарин, бу мавзуларда бир қанча қомуслар яратилган тақдирда ҳам, “оила ва фарзанд тарбиясининг ҳамма жиҳатлари ўрганиб чиқилди ва яқунланди. Инсон турмушининг барча жабҳаларида қўлласа бўладиган “универсал” тавсиялар, юз бериши мумкин бўлган муаммоларнинг энг оқилона ечимлари тўплами ишлаб чиқилди”, деган тугал хулосани асло чиқариб бўлмайди. Инсон – Яратганнинг бетимсол мўъжизаси саналар экан, дунёда қанча нафар одам бўлса, шунча феъл-атвор, дунёқараш ва тақдирлар мавжуд, демакдир. Ўзбекистон Қаҳрамони, раҳматли алломамиз Озод Шарафиддинов ёзганларидек, “Дунёдаги ҳамма сирнинг тагига етиш мумкин, лекин Инсон деган жумбоқнинг тагига етиб бўлмайди”. Зеро, улуғ рус ёзувчиси Лев Толстой ўзининг “Анна Каренина” романида оила мустаҳкамлигини бадиий тарзда “Барча бахтли оилалар бири-бирига ўхшайди, ҳар бир бахтсиз оила ўзича бахтсиздир”, – деб таърифлаган эди.

Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги – оилада катта авлод вакиллариининг ўрни ва роли ўтмиш маънавий мероси ва бугунги кун нуқтаи-назаридан ва комплекс ҳолда таҳлил асосида ўрганилди. Оилада катта авлод вакиллариининг ўрни ва роли, фарзанд руҳиятиниинг шаклланиши, инсоний фазилатлар камол топиши ёки иллатлар пайдо бўлишидаги омиллар таҳлил қилинди. Ислом дини ақидалари ва Шарқ алломалариининг маънавий меросини чуқур ўрганиш, бу бебаҳо манбаларнинг миллий маданиятимиздаги ўрнини билиш орқали ёшларимизнинг иймон-этиқодини, иродасини мустаҳкамлаш, уларни мустақил фикрловчи баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларда ота-оналариининг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатини қарор топтириш зарурлиги борасида аниқ тавсиялар қайд этилганлигидир.

Тадқиқот методи. Тадқиқотнинг яратилишида маданиятшунос мутахассис нигоҳи билан кузатув, социологик сўровлар, қиёсий-умумлашма таҳлил, илмий-назарий мушоҳада каби усуллардан фойдаланилди.

Битирув малакавий ишининг назарий ва амалий аҳамияти.

Дунёда глобаллашув жараёнларининг тезлашуви, “Оммавий маданият” хуружи ва унинг хавфи яққол сезилиб турган бир пайтда, фарзанд тарбиясининг аҳамияти ҳар қачонгидан долзарб эканлиги сир эмас. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таълимотида баркамол авлод тарбияси энг устувор ўринлардан бирини эгаллагани ҳам фикримиз исботи бўла олади. Буюк маърифатпарвар Абдулла Авлони таъкидлаганларидек: *«тарбия бизлар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласи»* эканлигини илмий таҳлиллар орқали кўрсатиш ва баҳоли-қудрат тавсиялар тайёрлаш – битирув-малакавий ишининг назарий ва амалий аҳамиятини белгилайди.

Педагогларнинг хулосаларига кўра, инсоннинг қандай шахс бўлиб етишиши 15 фоиз ҳолларда ирсиятга, 40 фоиз ҳолларда муҳитга, 45 фоиз ҳолларда тарбиянинг таъсирига боғлиқ бўлар экан.⁵ Афсуски, ота-онанинг бурчи фарзандларни едириб-ичириш ва уларга моддий имкониятлар яратиш, тарбия эса ўқитувчи-мураббийларнинг вазифаси, деб ҳисобловчилар ҳам йўқ эмас. Шу нуқтаи-назардан, Президент Ислам Каримовнинг қуйидаги фикрлари муҳим аҳамиятга эга: “Баркамол авлод соғлом оилавий муҳитда вояга етади. Бунга эришиш учун, биринчи навбатда, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришимиз, авваламбор, ота-оналарнинг онгини, уларнинг фарзандларига бўлган муносабатини ўзгартиришимиз, лозим бўлса, ота-оналарнинг ўзини тарбиялашимиз керак”.⁶

Оиладаги соғлом муҳит, фарзанд тарбияси ва ота-она ибратига оид қатор таклиф ва мулоҳазалар берилганлиги – битирув малакавий ишининг назарий ва амалий аҳамиятини белгилайди.

Ўрганилаётган мавзунинг ҳаётийлиги ва назарий аҳамияти яна шундан иборатки, биз диний-ғоявий хуружлар, маънавий кураш, информацион хуружлар, маънавий таҳдидлар даврида яшаяпмиз. Шу боис, тадқиқот мавзусини ҳаёт билан боғлаш, доимий исботлар билан тушунтирилиши лозим.

⁵ Б.Ҳамрокулова. “Тарбия – жамият иши”. “Тафаккур” журн. 2\2008. 14-бет.

⁶ Ислам КАРИМОВ. Соғлом авлод – бизнинг келажагимиз. Т.: “Абу Али Ибн Сино”, 2000, 55-бет.

Баркамол шахс тарбияланадиган муқаддас даргоҳ – оилада тарбиявий муҳитни яратишда Марказий Осиёдан чиққан алломаларнинг ижоди ва илмий меросларини нафақат ёшлар, балки, ҳар бир инсон, аввало ота-оналар яхши билишлари керак.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқотнинг назарий-методик базаси ушбу соҳада ишлаётган мутахассисларнинг изланишларида материал сифатида қўлланиши мумкин. Амалий тавсиялар нафақат санъат ва маданият соҳасида, балки жинси, билим даражаси ва касби-коридан қатъи назар, ҳар бир инсонга ҳаётий фаолиятида ёрдам бериши мумкин. Негаки, “Туғилганингдан сўнг ўсиш, ўсгандан сўнг икковлон бўлиб яшаш бор! ...Жуфтлик ёлғиз кишилар орасидагина эмас, ер юзидаги ҳар махлуқда ҳам бор. ...Жуфтланишнинг энг муҳим бир шарти борки, ул ҳам ҳар икки тарафнинг муҳаббат занжири билан бир-бирларига қаттиқ боғланишларидир...”⁷

Битирув малакавий ишининг тузилиши. Тадқиқот иши Кириш, 3 та боб, 6 бўлим, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборатдир.

⁷ Абдулла Қодирий. “Меҳробдан чаён”.

I-БОБ. ОИЛАНИНГ ИЖТИМОИЙ ИНСТИТУТ СИФАТИДА ИНСОН ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ.

Алҳамдулиллоҳ, бир мусулмон фарзанди сифатида халқимга хос исломий тушунча ва туйғулар менинг ҳам қалбимда, юрагимда барқарор ва мен бу дунёю у дунё ўз эътиқодимдан қайтмайман.⁸

Ислом КАРИМОВ

1.1. Шарқ мутафаккирлари асарларида оила қуриш ва фарзанд тарбияси масалалари.

Оила тарбиясининг ўзига хослиги, унинг моҳияти, оила муҳитининг баркамол авлод ва комил инсонни тарбиялашдаги роли классик ва ҳозирги замон адабиётларида ҳам муҳим ўринни эгаллаб турибди. Шарқ мутафаккирларининг барчаси шахс тарбияси ва комолотида оилавий тарбиянинг роли таъкидланиб, ота-она ва яқин кишиларнинг йўналтирувчи, тарбияловчи вазифаларига алоҳида эътибор қаратилган.

“Авесто” ва “Ўрхун-Энасой битиклари”да, шунингдек, Афлотун, Арасту, Ибн Синодан тортиб ҳозирги замон файласуфларининг асарларида ҳам оила ва фарзанд тарбияси ҳақида қимматли фикрлар билдирилган. Хусусан, оилани тарбия воситасида мустаҳкамлаш ҳақидаги бебаҳо фикрлар Абу Наср Фаробийнинг «Фозил одамлар шаҳри», Абу Райҳон Берунийнинг «Минералогия», «Ҳиндистон», «Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар», Абу Али ибн Синонинг «Ахлоқ фани», «Оила хўжалиги», Алишер Навоийнинг «Ҳайратул аброр», «Маҳбубул қулуб», Фитратнинг «Оила» асарларида билдирилган.

Ҳар бир ота-она фарзандининг соғлом туғилиши, бахтли-саодатли бўлиб ўсиб-улғайиши учун қайғуриши ва чақалоқ туғилмасидан туриб шунга тайёргарлик кўриши лозим. фарзанд тарбиясини ҳомила шаклланган

⁸ Ислом КАРИМОВ. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Т: “Мовароуннахр”. 1999 й.

даврданоқ бошлаш кераклиги ҳақида Абу Райҳон Беруний шундай ёзади: “Боланинг юз тузилиши она қорнида ато қилинади. Кўринишдаги гўзаллик ва тузилишдаги камол – булар иккови ҳам ҳар бир одам учун севимли”. Яъни, бола табиат инъом этадиган ҳуснга эга бўлиши ва соғлом, бақувват туғилиши учун она қорнидаёқ замин ҳозирланиши керак.

Замондошлари орасида “Абул маоний”, яъни “Маънолар отаси” деб ном олган буюк аллома, аجدодлари асли шахрисабзлик бўлган Мирзо Абдулқодир Бедил, ёшликда олинган тарбиянинг аҳамияти нақадар юксаклиги, агар бу тартиб бузилса, уни тuzатиш мушкуллигини шундай таъкидлайди:

Аввал ғиштни қийшиқ қўяркан меъмор,

Юлдузга етса ҳам қийшиқдир девор.

Жамият учун ниҳоятда аҳамиятли ҳисобланган ота-она ва бола, эр ва хотин, оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари билан боғлиқ муаммолар айнан оила негизида юзага келади. Бинобарин, оилада ўсган ҳар қандай фарзанд – ўша оиладаги маънавий муҳитнинг яққол “ойнаси” ҳисобланади. Халқимизда: “Қуш уясида кўрганини қилади”, деб бежизга айтилмаган.

Инсон маънавиятининг шаклланишида ота-онанинг ўрни ва ролини ҳеч нарсага тенглаштириб бўлмайди. Айниқса, фарзанд тарбиясида онанинг ҳиссаси жуда катта. Муборак ҳадисларда айтилишича, “Хотин кишига энг ҳаққи кўп киши эридур, эркак кишига энг ҳаққи кўп киши онасидир”.

Шунингдек, ҳадиси шарифларда, “Агар ота-онанг баравар чақириб қолишса, аввал онангга жавоб бер”, деб таъкидланади.

“Аёл овозининг нафислиги билан эридан устун турмоғи лозим”, - дейди Маҳмуд Қошғарий. Аёлнинг биринчи вазифаси келажак учун соғлом насллар бериш, иссиқ меҳри, тенгсиз жозибасига қорилган гўзал тарбияси билан миллатни оёққа турғозишдан иборат. Бунинг учун аёлнинг ўзи жисмонан ва маънан соғлом бўлиши шарт. Буюк жаидчи боболаримизнинг, миллатни тараққий эттириш учун аввало миллат оналари маърифатли бўлишлари керак, деган ғояларида катта ҳикмат бор. Ўтмишда шундай

иймон-эътиқодли оналар тарбиясини олган миллатимиздан дунёга илм-маърифат нуруни таратган алломалар етишиб чиқишган. Шу ўринда, оқила момомиз Бибихоним тарбиясини олган Мирзо Улуғбекнинг буюк аллома бўлиб етишганини эслаш ўринлидир.

Ижтимоий, сиёсий-ҳуқуқий фикрлар тарихида биринчилар қатори аёлнинг фарзанд тарбиясидаги ўрни ҳақида рисола ёзган Абу али Ибн Сино, аёл киши оилада эрига муносиб, ҳаётда содиқ ҳамкор бўлмоғи даркор, деган фикрни илгари суради. Аёл, аслида, оила бахт-саодати таянчи, фарзандлар тарбиясини амалга оширишда синалган кўмакчидир. Муошарат одоби (турмуш одоби) туфайли оила бахт-саодатга эришади, тарбияси маъқул фарзандлардан улуғ зотлар етишиб чиқади.

Абу али Ибн Сино, ўн етти хислат-фазилат соҳибаси бўлган аёлни идеал мураббий деб ҳисоблайди: 1. Оқила ва имон-эътиқодлилиги; 2. Шарм-ҳаёли ва ор-номуслилиги; 3. Зийрак ва фаросатлилиги; 4. Ёқимтойлиги; 5. Ўз эрига меҳру-муҳаббат қўйганлиги; 6. Садоқатлилиги; 7. Бетга чопар бўлмаслиги; 8. Эзма, вайсақи эмаслиги; 9. Итоаткорлиги; 10. Дилининг поклиги; 11. Эри орқасидан ғийбат қилмаслиги; 12. Покизалиги; 13. Вазминлиги; 14. Жиддий ва улуғворлиги; 15. Эрининг оғир дамларида унга малҳам бўла олиши; 16. Меҳрибонлиги; 17. Иродалилиги ва сабр-тоқатлилиги.

Буюк аллома Абу Али Ибн Сино шундай ёзганлар: «Қайси хонадонда аёл овози эркакникидан баланд бўлса, ўша уйдан жанжал, ғурбат аримайди». Бунга изоҳнинг ҳожати йўқ.⁹

Умуман олганда, Кўҳна Шарқнинг бой маънавий меросида оила ва муҳаббат мавзуси энг муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. Аждодларимиз маънавий мероси ҳисобланган “Темур тузуклари”, “Бобурнома”, “Темурнома” каби дурдона асарларни мутолаа қилган ҳар бир инсон тарбиянинг шахс шаклланишидаги муҳим омил эканига ишонч ҳосил қилади. Тарбиянинг мураккаблиги ҳақида Амир Темур: “Мен фарзанд тарбиялашда

⁹ Б.Ҳайдаров. “Инсоннома”. Т.: “Вектор-пресс”, 2011 й. 96-бет.

давлатни бошқаришдан кўра чуқурроқ мушоҳада, ундан ҳам чуқурроқ донишмандлик кераклигига ишонч ҳосил қилдим”, - дейди. “Бобурнома”даги ота-онага меҳр-мурувват, фарзандларга юксак тарбия бериш ҳақидаги сатрлар қадрини эса ҳар қанча олтин-зарлар билан баҳолаб бўлмайди, албатта.

Манбаларда Амир Темур даврида оила ва никоҳ масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги қайд этилган. Амир Темур ўзи ташкил этган буюк давлат фуқароларининг соғ-саломатлигига эътибор билан қараб, уларнинг баркамол, соғлом, бақувват, ишбилармон, жанг қилишда моҳир бўлишга алоҳида эътибор бериб, авлодлар насл-насабини бузилишига таъсир этувчи нарсалардан сақланишга аҳамият берган. У ҳозирги даврда жаҳон жамоатчилигини ташвишга солаётган гиёҳвандлик ва ичкиликбозлик каби иллатларнинг келажак авлодлар учун зарарли оқибатларини ўз вақтида тушунган ва бундай иллатларга қарши чора-тадбирлар кўрган. “Темур тузуклари”да “ўғилларим, набираларим ва яқинларимга бирон томчи шароб ичиб хотинларига яқинлашишини ман этдим. Зеро, шаробнинг таъсирида бунёдга келган фарзанд насл-насабининг бузилишига таъсир этгай деб покиза йўлни тутдим” деб ёзади. Бу ўғитлардан мустақил мамлакатимизда комил инсон, соғлом авлодни шакллантиришда ибрат олиш катта аҳамиятга эга.

Бинобарин, оила табиатнинг шоҳ асарларидан биридир. Жуда кўпчилик донишмандларнинг яқдил эътирофича, “Оилавий ҳаёт ўзаро муҳаббат билан боғланган бўлса, катта бахт келтириши мумкин”. Оилавий ҳаётда рўй бериб турадиган майда-чуйда кемтикларни фақат кучли муҳаббатгина текислаб кетиши мумкин. Зеро, ўз уйида бахтли бўлган кишигина бахтлидир. Яхши хотин билан яшаш – ҳаёт бўронларида сенга бир паноҳдай хизмат қилса, ёмон хотин билан яшаш эса – кулбангда кўтарилган бўрондай гап. Яхши хотин – жон малҳами. Бу ҳикматларни – исбот талаб этмайдиган аксиомалар, дейиш мумкин.

Алишер Навоийнинг “Махбуб ул-қулуб” асарида ҳам оила, эр-хотин муносабатлари тўғрисида ибратли фикрлар баён этилган. “Яхши хотин – оиланинг давлати ва бахти, – деб ёзадилар улуғ бобокалонимиз. – хотиннинг озодалиги уй эгасининг хотиржам ва осойишталиги кафолатидир. У хушмуомала бўлса, жон озиғидир. Оқила бўлса, рўзғорда тартиб-интизом кўзга ташланади, асбоб-анжомлар саранжом туради. Мабодо хотин бунинг тескараси бўлиб чиқса-чи? Аёл ёмонлик ахтарувчи бўлса, ундан рух азоб чекади. Тили аччиқ бўлса, барчанинг дили яраланади”.

Бинобарин, оила пойдеворининг мустаҳкамланиши ва баркамол авлод тарбиясида хотин ва эрдаги инсоний фазилатлар ниҳоятда катта рол ўйнайди.

“Тажрибаларга кўра, хотунларнинг гўзал хулқли бўлмоқлари сабабли, эрлари ҳам гўзал хулқли бўладилар. Бунинг аксича, агар хотунлар ёмон хулқли бўлсалар, эрларининг хулқлари ҳам шунга кўра бузилади, ёмонланади. Эр билан хотун орасида бўлган турмушда келишув бўлмаса, ҳар иккиси учун ҳам улуғ ҳасрат, зўр машаққат бўлади. Бунинг натижасида маишатнинг лаззати тугайди, роҳати кетади, тадбиру чоралар бузилади, натижада хонадон аъзолари орасида бир-бирига душманлик пайдо бўлади. Болалар тинчлиги йўқолади, бундан кўп ножўя ишлар келиб чиқади. Шунинг учун ҳам кўркам турмуш кечирмоқ ва унга интилоқ, биринчи даражада, хотунлар устига тушмоғи лозим”¹⁰.

XIX асрда Бухоро амирлигидаги маънавий ижтимоий вазиятни танқидий баҳолаган Абдурауф Фитрат “Оила” асари¹¹да турмуш муаммолари ҳақида сўз юритаркан, таълим-тарбиянинг ўз даврига хос ноўрин ва зарарли усулларида мисоллар келтиради. Ўз замонаси учун ниҳоятда муҳим саналган бу асар ҳанузгача қимматини йўқотган эмас. Фитрат улуснинг давлатманд бўлиши, иззат-ҳурмат топиши ёки заифликдан хорликка тушиши – фақирлик жомасини кийиб, бахтсизлик юкини тортиб эътибордан қолиши, ўзгаларга тобе бўлиши шу юрт одамларининг болаликдан олган тарбиясига

¹⁰ Олимат ул-Банот. «Муошарат одоби» китобидан.

¹¹ Фитрат А. Оила. – Тошкент: Маънавият, 2000 й.

боғлиқлигини таъкидлайди. Оиладаги мустаҳкамлик ва тартибни муҳим ижтимоий муаммо сифатида баҳолайди. «Қаерда оила, оила муносабати кучли интизомга таянса, – деб ёзади Фитрат, – мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва муаззам бўлади»¹². Унинг: “Бу дунё кураш майдонидир, бу майдоннинг қуроли соғлом жисму тан, ўткир ақл ва яхши ахлоқдир”, – деган сўзлари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Оила жамиятнинг ижтимоий-маънавий бўғини эканлигини, халқимизнинг бугунги куни келажаги унинг заминида бунёд этилишини чуқур англаган Фитрат ҳам ўзи яшаган давр, ҳам келгуси авлодлар учун зарурий бир йўриқномани дунёга келтирди. Ўзининг сермашаққат изланишлари бўлган “Оила ёки оила бошқариш тартиблари” деб номланган китоби¹³да адиб оиланинг жамият ва инсон ҳаётидаги ролини оширишга доир, оила аъзоларининг ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрлари, бурч ва вазифалари ҳақидаги мулоҳазаларни билдиради.

Фитрат оиланинг инсон зотининг бардавомлигини таъминлаш, оила аъзоларининг турмуш шароити ва бўш вақтини самарали уюштириш, оилавий мулкка ғамхўрлик, болаларни тарбиялаш каби муҳим ижтимоий вазифалари ҳақида ёзар экан, агар оила ўз фарзандини Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбияласа, бу ҳис-туйғу унга бутун ҳаёти давомида ҳамроҳ бўлиши ҳақидаги бунёдкор ғояни жон куйдириб таъкидлайди. Шунингдек, узоқни кўра олган адиб миллатнинг тақдири, келажакдаги ютуқлари ёки муваффақиятсизлиги, бахтли ёки бахтсиз бўлиши ҳам унинг оилада олган тарбиясига боғлиқ бўлишини уқтириб ўтган.

Фитрат рисолада тўйларни ўтказиш масаласида ўз нуқтаи назарини билдиради. Адиб тўйларни ўтказиш жараёнида инсонпарварлик, иззат-икром, меҳрибонлик, меҳмоннавозлик каби олижаноб фазилатлар устувор бўлишини, инсон зотини қадрлаш, улуғлаш ва ҳурматлашда тўйларнинг аҳамияти катта эканлигини уқтириш баробарида, кишиларни ортиқча исрофгарчиликлардан сақланишга даъват этади: “Тўй муносабати билан

¹² Фитрат А. Оила. – Тошкент: Маънавият, 2000 й.

¹³ Фитрат А. Оила ёки оилани бошқариш тартиблари. – Тошкент: Маънавият, 2000 й. 7-8-бетлар.

ватандош ёр-биродарлар бир жойда йиғилиб, хурсандчилик қилиб, самимий суҳбат курсалар, албатта, муҳаббат ва меҳрибонлик зиёда бўлади. Баъзилар ўртасидаги кек ва қудрат шу баҳонада йўқолади. Бунинг устига қанча мискин, мухтож одамлар тўй неъматларидан баҳраманд бўладилар”. Фитратнинг бу фикри нафақат ўша давр, балки бугунги кунимизда ҳам долзарб мазмун касб этишини эътибордан соқит қилмаслик лозим. Чунки, маблағни ва ноз-неъматларни исроф қилишлик муқаддас динимиз томонидан ман қилинган, қораланган ҳолат бўлишидан ташқари, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ва жаҳон инқироzi юз бериб турган пайтда умуман тушуниб бўлмайдиган ҳол, ҳатто ахлоқсизлик бўлиб ҳисобланади.

Фитрат аёл кишининг ўрни ва вазифалари хусусида ёзади: “Хотин – эрнинг завжаси, уйнинг идорачиси ва болалар тарбиячиси бўлиб, фарзандини меҳр билан ўстириш мажбуриятининг бир қисми унинг бўйнига тушади... Эри хизматдан уйга қайтса, хушмуомалалик қилиб, меҳрибонлик кўрсатсин... Эр ҳам аёл тоифасининг заифлиги ва нозиклигини эътиборга олиб, шунга кўра муомала қилиши керак, имкон қадар уй ишларида ёрдам бериши жоиз.” Мана шу парчалардан Фитратнинг ўзаро ишонч, ҳурматни улуғлаш, хушмуомалалик ва меҳрибонлик, бир-бирига ёрдам бериш каби бунёдкорлик ғоялари кўриниб турибди.

Фитрат “Оила” асарининг бир бобини “Муросаю мадора” деб атаган бўлиб, бунда у эр-хотиннинг ҳаётлари давомида шодлик ва ғамни баҳам кўришлари, қийинчиликларни биргаликда енгишлари кераклиги ҳақида сўз юритади. Адиб баъзан улардан бири иккинчисини ножўя муомаласи билан хафа қилиб қўйиши мумкинлигини тушунтирар экан, шундай маслаҳат беради: “Эр-хотин қаттиқ муомала қилиб, бир-бирини хафа қилиб қўйса, бир томон ўзини эшитмаганга олсин ва жаҳлини ичига ютсин. Бошқа куни эса ширин сўз ва ҳалимлик билан қаллиғига: “Кеча қилган ҳаракатинг номуносиб эди, бундай ҳаракатларни бошқа қилмагин”, – деб тушунтирсин. Ана шу яхши муомалани муросаю мадора дейдилар. Ислом дини, хусусан, эркакларни муросага даъват қилади. Хотин эрига бўлган муносабатда бир

хатога йўл қўйса, унга афв кўзи билан қараш, марҳамат кўрсатиб, мурса қилиб яшаш лозим ва зарурдир...”

Фитрат “Оила” рисоласининг иккинчи қисмини бола тарбиясига бағишлайди. У фарзандни тўлақонли камол топтириб ўстириш масаласида кенг билимлар соҳиби ва ўтқир мутахассис сифатида намоён бўлади.

Унинг фикрича, “Болаларни ўзига ишонган, кучли, топқир, чаққон ва ақлли қилиб тарбиялаш учун уларда ўз кадр-қиммати, шаънини ҳурмат қилиш руҳини тарбия қилмоқлик, шунинг билан бирга ён-атрофдаги одамлар билан ҳисоблашишни ўргатмоқ керак”.

Фитратнинг фарзандларнинг келажакда қандай шахс бўлиб етишишлари, уларга оналари нима бера олганликларига боғлиқ бўлади, деб ўқтиради. Унинг бу нуқтаи назари ҳозирги кунимиз учун ҳам муҳимдир. У ўз асарида: “Биз фарзандларимизни яхши хулқ эгалари қилиб тарбиялашимиз лозим, яъни улар имонли, фидокор, ғайратли бўлиб улғайсинлар...Бу матлабга эришиш учун миллат оналари тарбия ва илм олишлари, ахлоқ ва билимларини камолга етказишлари лозим. Акс ҳолатда хотинларимиз эркакларга нисбатан заифроқ бўлганларидан болаларимиз уларга ўхшаб кетадилар”. Фитрат бу билан, ота хизмат юки ва оилани боқиш ташвиши билан кўпинча уйда бўлмаслиги, шунда тарбияли, илмли, зукко она ўз фарзандини ўзи каби ижобий фазилатлар соҳиби қилиб тарбиялаши; илмсиз, ғайратсиз, жоҳил аёл эса ўз фарзандини худди ўзи каби салбий хислатлар эгаси қилиб қўйиши мумкинлигидан бизни огоҳлантиради.

Абдурауф Фитрат ёзадилар: “Одамнинг камоли фақат соғлиқ ва кучдан иборат бўлмай, балки жисмонан, ақлан ва ахлоқан юксалишдан иборат. Одамнинг жисми, ақли ва ахлоқи турли касаллик ва нуқсонлардан узоқ бўлиши лозим. Одам ҳам ўз манфаатини ўйлаб, ҳам яқинларини бахтиёр қилишга қодир бўлиб ўсиши лозим. Зотан, бу мантикий олишувларга нима ҳожат бор?»

Бу фикрлар тўқсон йил муқаддам баён этилган, лекин бугунги тарбиямиз учун ҳам муҳим аҳамиятини йўқотмаган.

Абдурауф Фитрат, оила асосини тўғри қурмасдан ва ёш авлодни мукамал тарбияламасдан туриб жамиятни ислоҳ қилиш, унинг ривожини тараққиёт сари йўналтириш мумкин эмас ва охир-оқибат миллат тақдири оила ҳолатига боғлиқ, деган фикрни билдиради: “Ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати, албатта, шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик эса, шу миллат оилаларининг интизомига таянади, – деб ёзади у.¹⁴

Шундай қилиб, Фитрат ўз асарларида оилада руҳий хотиржамлик, самимий муносабат, болани севиш ва иззатини жойига қўйиш, кун тартибини йўлга қўйиш, боладаги мустақилликка интилиши каби бунёдкор ғояларни илгари суради.

1.2. Оила – миллий қадрият сифатида.

Аввало, оддий бир масалага ойдинлик киритиб олсак: кўп ҳолларда оила деганда, ота-она ва фарзандлардан иборат жамоанигина тушунамиз. Аслида эса, оила эр-хотинликдан бошланади. Яъни, янги келин ва куёв бу – энг кичик, энг янги оила. “Оила – эр-хотинлик иттифоқига, қариндошлик алоқаларига, умумий хўжалик юритадиган эр ва хотин, ота-она ва болалар, ака-ука ва опа-сингиллар, бобо-бувилар ва бошқа қариндошлар ўртасидаги муносабатларга асосланадиган кичик ижтимоий гуруҳ, жамиятнинг асоси, давлат қудратининг манбаи” дир.¹⁵

Оила – миллий қадрият. Ана шу қадриятнинг муқаддаслиги Ўзбекистон ва унинг равнақининг кафолати эканлиги давлатимиз сиёсатининг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Умуман олганда, оиланинг ҳар томонлама равнақи ва жипслигини таъминлаш шарт-шароитлари, оила тарбияси – миллий ифтихор, оила ичидаги оила камолотини таъминлаш сингари муаммоларни тадқиқ этиш ҳамда уларни халққа содда ва тушунарли тарзда етказиш шу куннинг долзарб вазифасидир. Оилага эътибор – миллат келажагига эътибор

¹⁴ Г.А.Қаршиева. “Аёл – мустаҳкам оила зийнати”. “Мустаҳкам оила – жамият таянчи” Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. Т.: “AKADEMNASHR” 2013. 22-23-бетлар.

¹⁵ Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. Т.: Ғофур Ғулом номидаги нашр., 2009. 452-1-бет.

эканлиги давлат сиёсати даражасига кўтарилган экан, бугун биз ифтихор билан Ўзбекистон соғлом ва мустақкам пойдеворга эга мамлакат деб айта оламиз.

“Оила – деб таъкидлаган эди И. Каримов, турмуш ва виждон конунлари асосига қурилади.”

Дунёда жами нарсаси жуфт яратилган: Осмон ва Ер, Қуёш ва Ой, кеча ва кундуз, ҳаёт ва ўлим, она қорни ва қабр, бешик ва тобут, яхшилик ва ёмонлик, шодлик ва ғам, Эркак ва Аёл...

Ёлғизлик фақат Аллоҳга хосдир. Одам боласи учун ҳаётда албатта бир дилдош, танмахрам ва ёстикдош бўлиши шарт.

Диний манбаларда ёзилишича, ҳазрати Одам ухлаб ётганида, Ҳақ субҳонаҳу ва таоло унинг чап қовурғасидан Момо Ҳаввони яратди. Ҳавво деб аталганлигининг сабаби унинг тирик яралганидур. Бу ҳақда Қуръони шарифда бундай дейилган: «Эй инсонлар! Раббингиз ғазабидан сақландинг! Зеро У сизни ягона Одамдан яратди. Ўша бир инсоннинг ўзидан унинг жуфтини (Ҳаввони) яратиб, бу иккисининг вужудидан жуда кўп эркак ва аёлларга ҳаёт бахш этган!» (Қуръони карим, 4-Нисо сураси, 1-оят)

Ривоят қилибдурларки, Ҳаввонинг қадди-бўйи Одам билан тенг бўлса-да, ундан нозикроқ, бадани тиникроқ, овози ингичкароқ, кўзлари қорароқ, тишлари садафдек эрди. Аллоҳ таоло Ҳаввони яратиб бўлиб, уни Одамнинг бош томонига ўтқазиб қўйди. Ухлаётган Одам тушида гўзал Ҳаввони кўриб, унга иштиёқи кўзғолди. Уйғониб кетди ва Аллоҳ таолодан сўради:

– Ё Раббий, бу нимарсадур?

Ҳақ таоло жавоб берди:

– Бу менинг Ҳавво отлиғ бандамдур.

– Уни ким учун яратдинг? – сўради Одам.

– Кимки дину иймон юкини у билан бирга зиммасига олса ва бунинг учун шукрона айтса, ул ўшаникидур.

– Ё Раббий! Мен у билан бирга дину иймон юкини устимга олғайман, бизни никоҳлаб қўйғил! – хитоб қилди Одам.

Алқисса, Аллоҳ таоло Одам бирла Ҳаввони никоҳлаб, эр-хотин қилди¹⁶. Сўнг улар жаннатга кирдилар. Шу хусусда Абдуллоҳ ибн Аббос розиаллоҳу анҳу бундай дебдур:

– Эй одамлар! Билингларики, сизларнинг бобокалонингиз Одам оила курган эрди. Одамларнинг уйланиши Аллоҳга манзур келур, уларнинг ажралиши эса манфурдур¹⁷.

Оилада фарзандларни тўғри тарбиялашдек мураккаб вазифа, мажбуриятлар ҳадисларда ҳам ўз ифодасини топган. Муҳаммад Расулуллоҳ ҳадисларида “ҳеч бир ота ўз фарзандига ҳуқуқ одобдан буюкроқ мерос бера олмайди. Фарзандларингизни иззат-икром қилиш билан бирга ахлоқ-одобни ҳам яхшилангизлар”, – деб марҳамат қилганлар.

Динимиз асослари бўлган Қуръони карим ва Ҳадиси шарифларда эр ва хотин ўртасидаги муносабатлар, болалар тарбияси, рўзғор тебратиш, никоҳ ва муҳаббат масалаларига кенг ўрин берилган. “Тангри наздида бандаларнинг энг яхшиси аҳли аёлига фойдаси кўп тегадиган кишидир”, – дейилади ҳадислардан бирида. Яна бир ҳадисда: “Фарзандларингизни иззат-икром қилиш билан бирга ахлоқ-одобини ҳам яхшилангиз”, – дейилса, яна бирида: “Киши аёлига муҳаббат билан боқса ва аёли ҳам унга шу кайфиятда юзланса, Аллоҳ таоло иккаласига ҳам раҳмат назари билан қарайди. Қўлларини қўлларига қўйганларида иккисининг ҳам гуноҳлари бармоқлари орасидан тўкилиб кетади” – дея битилган.

Ояти карима: Эркаклар хотинлари устида раҳбардирлар. Бунга сабаб Аллоҳ бировларини бировларидан (яъни, эркакларни аёллардан) ортиқ қилгани ва эркаклар (хотинлари ва оилалари учун) ўз мол-мулкларидан сарф-харажат қилганларидир. (Қуръони карим, *Нисо сураси, 34-оят*)

Эр-хотиннинг турмуш қуришидан асосий мақсади сўзсиз, фарзанд кўришдир. Ҳадиси шарифда шундай дейилган: “Расули Акрам: “Эй умматим,

¹⁶«Қиссаи Рабғузӣй»да фаришта Жаброил Аллоҳ таолонинг фармони билан ўқиган хутбаи никоҳ мазмуни (матни) келтирилади.

¹⁷Абул Ҳасан ал-Кисоӣй. «Оламнинг аввали ва охири ҳамда пайғамбарлар хусусида». «Ёшлик», 1990 й. №10.

никоҳланинг. Чунки бир куннинг никоҳи, бир йиллик нафл ибодатдан хайрлидир! Эй умматим, сизлардан бирингиз уйланганингизда шайтон шерикларига шундай бақиради: “Бу одам динининг иккидан бир бўлагини мендан ҳимоя қилиб қолди”.

Уйлансангиз ўзингизга оталик, уйланажагингиз қизга эса оналик шарафини бахш этган бўласиз”¹⁸.

Ҳадиси шариф: “Инсон ўлгач, дафтарлар ёпилади, фақат уч нарсада ёпилмас: садакаи жорияда, фойдали илмда, солиҳ фарзанд қолдиришда” (Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан).

Биринчиси – садакаи жория. Масалан, масжид, мадраса, кўприк кабилар. Бундай иншоотлардан кўплаб инсонларга фойда тегиб турса, улар мавжуд экан, дафтарлар ёпилмайди, уларни қурган инсонларга савоби етиб туради.

Иккинчиси илмки, масалан, ё талаба етиштирган ёки бир асар қолдирган, шу илм турғунича, шу талабалар турғунича, уларнинг савоблари ўлиб кетган инсонга ҳам жорий бўлиб тургайдир.

Учинчиси – валадун солиҳ, яъни, солиҳ фарзанд қолдирмоқдир. Болалари кўп бўлса-ю, солиҳ бўлмаса, бўлмайди.

Исломий манбаларга кўра, ота-онанинг фарзанд олдидаги асосий вазифалари қуйидагилардан иборатдир:

1. Фарзанд туғилганда, унга яхши исм қўймоқ;
2. Яратганни танитиб, яхши тарбия бериш;
3. Балоғатга етса, муносиб жуфт топиб, уйлантириб қўйиш.

Шундай бир ривоят мавжуд: Бир куни Расулуллоҳнинг олдиларига бир онахон келиб, кўзда ёш билан, фарзандини оқ қилмоқчи эканлигини айтибди. “Менинг яккаю-ягона ўғлим иссиқ-совуғимдан хабар олмайди”, – дея шикоят қилибди.

¹⁸ Б.Ҳайдаров. “Инсоннома”. Т.: “Вектор-пресс”, 2011 й. 76-бет.

Расулуллоҳ ғазабланиб, кампирнинг ўғлига қарата: – онангиз сиздан ранжиб, оқ қилмоқчи, нега сиз онангизнинг ҳолидан хабар олмайсиз? – дебдилар.

Фарзанд шундай дебди: “– Мана, ёшим 35 га чикди. Она, мени уйлантиринг, бола-чақа кўрай, уй-жойли бўлай, келинингиз хизматингизда бўлсин, – деб айтсам, онам унамаяптилар”, – дебди. Шунда Расулуллоҳ, – эй онахон, сиз фарзандингизни оқ қила олмайсиз, чунки сиз фарзандингиз учун ўз бурчингизни бажармабсиз, – дебдилар¹⁹.

Бу ривоятнинг яна бошқа варианты ҳам мавжуд: Бир киши ҳазрати Умарга шикоят қилиб борибди. Дебдики: “– Бу ўғлим менинг гапимга кирмайди, ё Умар! Уни оқ қилмоқчиман”, – дебди. Ҳазрати Умар ҳалиги ўғилни чақириб, воқеани суриштирсалар, йигит халифадан сўрабди: “– Ё, Амиралмўъминин. Менинг ҳам отамда ҳаққим борми-йўқми?” “Сизнинг ҳам ҳаққингиз бор! – дебдилар ҳазрати Умар. – Аввало эркак, ахлоқи гўзал, тарбиялик, номус-ҳаёлик бир хотин танлаши керак. Уйланаётган одам тўрт нарсани кўзда тутди: булар – бойлиги, ҳусну-жамоли, насл-насаби ва дини. Ўша чирой, бойлик ва насл-насаб ҳам кетади. Фақат уйланган аёли динли-иймонли бўлса, йигитнинг икки дунёси обод бўлади”.

Ўғлон айтибдики, “Менинг отам бундай қилган эмас. Бошқа ҳаққимиз йўқми?” “– Сен туғилганда отанг яхши бир исм қўймоғи керак эди”. “Буни ҳам қўймаган менга”, – дебди ўғлон. “Учинчиси – сенга динингни ўргатиши керак эди”. “– Менга ҳеч нарсани ўргатгани йўқ-ку!”. Шунда ҳазрати Умар у шикоятчи одамни қувиб солибдилар: “– Ҳамма қабоҳат ўзингда экан, бу болага ҳатто динини ҳам ўргатмабсан!”

Эр-хотин муносабатлари ва оила мавзусидаги ҳадислардан айрим намуналар:

Эрига гап қайтармаган, эрининг рухсатисиз иш қилмайдиган аёл жаннатидур.

¹⁹ Ю.Ғ.Маҳмудов, Х.Ж.Худойкулов ва бошқ. “Миллий ғурур – маънавий комиллик мезони.” Т.: “Дизайн-Пресс” нашриёти, 2011 й.

Эрининг кийимини ихлос билан ювган хотиннинг гуноҳлари кир ювгандагидек ювилади.

Турмуш курунглари ва жиддий сабаб бўлмай ажрашманглари, зеро, бундан арш ларзага келади.

Уч қизи бўлиб, уларга гўзал тарбия берган, яхши жойларга никоҳлаб берган ва уларга моддий эҳсон қилган киши жаннатга киради.

Хотин киши қобирғадин яратилгандур. Ул сенинг хотиранг учун бир тарзда турмас. Агар сен андин фойдаланмоқчи бўлсанг, қийишғилиқ ҳолида андин фойдаланадурсан ва агар ани тўғри қилмоқчи бўлсанг, синдириб олурсан. Ани синдиришнинг маъниси шулки, талоқин берурсан.

Кимки аёлининг юзига табассум билан бокса, унга ўн савоб ёзилади. Ўпса йигирма савоб, қучоқласа – ўттиз савоб, қовушса – уч юз савоб ёзилади. Бирга бўлганларидан сўнг ғусл қилганларида сувнинг ҳар томчиси учун битта фаришта яратилади. Бу фаришталар эр-хотиннинг ҳақиқага қиёматгача истиффор айтадилар.²⁰

II-БОБ. ОИЛАДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ ВА АВЛОДЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР

Оила ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор.²¹

II.А.КАРИМОВ

2.1. Ота-онанинг фарзанд олдидаги масъулияти ва бурчлари

²⁰ Б.Ҳайдаров. “Инсоннома”. Т.: “Вектор-пресс”, 2011 й. 74-77-бетлар.

²¹ Инсон бахт учун туғилади. Ўзбекистон Президенти Ислам КАРИМОВнинг ҳикматли сўзларидан. Т.: “Шарқ”, 1998 й. 53-бет.

Ота-она болани дунёга келтирганлари учун эмас, балки уни одобри, ахлоқли қилиб вояга етказганликлари учунгина олқишга сазовор бўла оладилар.²²

Арасту

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида оилада фарзанд тарбиясининг аҳамиятини таъкидлаб, шундай ёзадилар: *“Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириши ва юксалтиришида, ҳеч шубҳасиз оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характерини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар-яхшилик ва эзгулик, олийжаноблик ва меҳр-оқибат, орномус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир”*.²³

Ота-она тарбияси фарзанд дунёқарашини, унинг хулқ-атворини ҳамда феъл-атворини белгилайди. Ота-онанинг эътибори, меҳр-оқибати ила ҳар томонлама етук ва комил шахсни вояга етказиш мумкин. Шу сабабли, ҳозир турмуш кураётган ёш оилаларга ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий ёрдам кўрсатилмоқда. Комил авлод тарбиясида урф-одатлар, анъаналар ҳамда диннинг таъсири катта. Дастурхон устида барча оила аъзоларининг йиғилиши, байрамларни биргаликда ўтказиш каби одатлар инсонларда миллий туйғуларни тарбиялайди. Катталарга бўлган ҳурмат, кичикларга бўлган иззат, шунингдек, ғам-у ташвишларни ҳамда хурсандчиликларни биргаликда баҳам кўриш одамларда самимийлик, тотувлик туйғуларини уйғотади.

Турмуш қуришга аҳд қилган йигит ва қизнинг ўзаро розилиги ва бири-бирига майли, муҳаббати асосида қурилган никоҳ мустаҳкам бўлади. Шу никоҳ асосида дунёга келган фарзанднинг бахти барқарордир. Фарзанд

²² Аристотель. Сочинения. – М.: Мысл, 1983. Т.4. – с.647.

²³ И.А. Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Т. Ўзбекистон. 2008

оиланинг гултожидир, эр-хотин ўртасидаги муҳаббат ришталарини боғловчи қимматли кўприқдир. Шунинг учун ҳам ўзбек халқида “Болалик уй бозор, боласиз уй мазор”, “Бола – эр-хотин тилмочи”, “Болалилар бош бўлар, боласизлар ёш бўлар” каби кўплаб мақоллар бежиз айтилмаган. Оилада аёлнинг садоқати, озодалиги, ширин муомаласи, ишбилармонлиги қизлар учун намунадир. Онанинг меҳмон кутиш, таом тайёрлаш, муомала ва кийиниш маданиятига риоя этиш, бола тарбиялаш, маънавий-маданий саводхонлиги қиз бола учун, отанинг оиладаги ўрни ва ибрати эса – ўғил фарзанд учун оила дорилфунунидир.

Дарҳақиқат, ҳар қандай инсоннинг жамиятда эгаллаган мавқеи, хатти-харакатлари ва феъл-атвори – унинг болаликда олган тарбияси, оиласидаги муҳитга чамбарчас боғлиқдир. Бу – турли соҳа олимлари ва минглаб оддий одамлар томонидан беҳисоб марта исботланган ҳақиқатдир.

Педагогларнинг хулосасига кўра, инсоннинг қандай шахс бўлиб етишиши 15 % ҳолларда ирсиятга, 40 % муҳитга, 45 % ҳолларда эса тарбиянинг таъсирига боғлиқ бўлар экан.²⁴

Қизлар, яъни – бўлажак оналар маънавиятини юксалтириш доимо энг муҳим вазифалардан бири бўлиб келган. Зеро, Оноре де Бальзак айтганидек, “Миллатнинг келажаги оналар қўлида”дир. Бу бекорга айтилмаган гап. Не-не етук кишиларнинг табиати шаклланиб, шахс бўлиб етишишида она ўғитлари йўл-йўриқ бўлиб хизмат қилган. Дунёда, айниқса халқимизда покдомонлиги, фозилалиги билан донғи кетган аёллар жуда кўп ўтишган. Бугун ҳам катта авлодда ана шундай оналаримиз бор. Бироқ, ёш оналар ҳақида бундай юксак таърифни келтириш биров мушкул эканлиги сир эмас. Улар китоб ўқиганми, маънавияти борми, янги Беруний, Фарғоний, Навоийлар етишиб чиқиши учун тамал тошини қўя оладими? Ва яна қатор саволлар...

Фарзанд тарбиясида айниқса, онанинг роли ва ўрни беқиёсдир. Зеро, оилада фарзандлар отадан андиша қилибми, ё ҳайиқибми, кўп ҳолларда ўз дардларини онага айтадилар. Бирор ишга жазм этсалар, аввало онага

²⁴ Б.Ҳамрокулова. “тарбия – жамият иши”. “Тафаккур” журнали, 2/2008 й. 14-15-бетлар.

маслаҳат солишади. Инсон камолотида онанинг ўрнини ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Бу ҳақда Низомиддин Мир Алишер Навоий ҳазратлари шундай ёзганлар:

Ано ўрнин ато босмас ўғулға,

Ки, мумкиндур, ўғул бўлмак атосиз...

Ҳазрат Навоий: “Ки, мумкиндур, ўғул бўлмак атосиз”, деганларида, Аллоҳ мўъжизаси билан бокира қиз Биби Марямдан отасиз туғилган Исо Масиҳни назарда тутганлар.

Куч-қувват ва ақл-заковатда беназир инсонни кўрганда, “Бундай зотни қандайин она тукқан экан?” дея ҳавас қилишади. Ҳофиз ОНАга хитобан шундай куйлайди: “Алпомиш туғиб бер, келинжон...” Дейлик, агар ҳофиз эркакка қарата: “Алпомиш туғдириб бер...” деб куйлаганида, нотабиий ва кулгули бўлар эди.

“Ўзбекча рақс” спектаклида бош қаҳрамон Марям келинига қарата шундай дейди: “Хонадонни бахту саодати оналарга боғлиқ бўлади, болам. Бу дунё ўлим олдидан беш кунлик саёҳат. Худони кўрсатган кунига рози бўлиб, етказган ризқу насибасига шукур қилиб яшаш керак. Шундай яшангки, етти пуштингиздан ота-онага нописанд, ахлоқсиз фарзанд чиқмасин. Ана шунда, авлодингизни зоти айнимайди”.

Бинобарин, эркак тарбиясида ҳам оналарнинг ҳаққи ва ҳиссаси кўп.

Фарзанд тарбиясида оналарнинг ҳаққи ва ҳиссаси кўплигини эътироф этган ҳолда, табиат қонуни – отанинг оталик ва онанинг оналик ўрнига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Зеро, “Оила кичкина бир давлат: эр – подшоҳ, хотин – вазир, қолганлар раият. Раиятнинг тинчлиги ва хотиржамлиги, камол топиши подшоҳга ҳам бир чеккаси боғлиқдир, аммо агар вазир фитнакор бўлса, раият ҳар томонга тўзиб кетиши турган гап”.²⁵

Айрим “жамоат ишларида фаол”, лекин уй-рўзғор ва фарзанд тарбиясига “вақти бўлмайдиган” аёлларнинг, топиш-тутиши яхши, лекин уйда кам бўлиб, умри тижоратда ўтаётган “бизнесмен” хотинларнинг

²⁵ Асрор Самад. Жиддият ва жиндай табассум. Т.: “Наврўз”, 2012 й. 119-бет.

фарзандлари қандай тарбияни оладилар? Тўғри, тезкор замоннинг талаблари бисёр, ҳамма нарса учун пул-маблағ зарур. Шунга қарамай, фарзандга сабр-каноатли онанинг оқилона тарбияси муҳимроқ.

Оилада аёл етакчи бўлса, фарзандлар ҳам кўпроқ унга эргашишади. Она қай қарорга келса, болалар учун шу маъқул бўлади. Натижада, оилада отанинг обрўси тушади, кадри пасаяди.

Мутахассисларнинг фикрича, одамларнинг тахминан 70 фоизи бошқалар фикрига қараб иш юритишади. Фақат 30 фоиз одамларгина ўз мустақил фикрига эга.²⁶ Демокчимизки, инсоннинг ўз мустақил фикрига эга бўлиб улғайиши учун айнан ота тарбиясининг ўрни бекиёс.

Сир эмаски, уйда аёл эркакка ғоя ва маслаҳат беради, қўллаб-қувватлайди, илҳомлантиради, мақсад сари йўналтиради, рағбатлантиради ва ҳоказо. Эркак эса булардан куч-қувват олиб, таъбир жоиз бўлса, тоғни талқон қилади, қаҳрамонликлар кўрсатади. Ёки, бир муаллиф сўзи билан айтсак, **“Эрнинг жамиятга кўрсатган таъсири – хотиннинг эрга ўтказган таъсирининг аксидир”**. Бу – ҳаётнинг азалий қонуни.²⁷

Файласуфларнинг эътироф этишича, шахснинг шаклланиши жараёнида икки ҳолат кўзга ташланади: бир томондан, жамият шахсга таъсир кўрсатади, иккинчи томондан эса шахс ҳам ижтимоий муҳитга таъсир қилади. Шу боис, Истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ, ёшларга оид давлат сиёсатининг замонавий талабларини ўзида акс эттирган ривожланиш стратегияси, мақсад йўналишларини аниқлаб олинди²⁸.

Ахлоқий тарбия – оила тарбиясининг ўзагини ташкил этади. Ахлоқий тарбиянинг мақсади – болаларда энг олий ахлоқий сифатлар ота-она ҳамда оиланинг бошқа аъзолари, шунингдек, атрофдагиларга нисбатан меҳр-муҳаббат, катталарга ҳурмат, кичикларга мурувват, камтарлик, тўғрисиўзлик, меҳнатсеварлик, саховат, инсонпарварлик, адолат, виждон, ор-номус, ғурур, интизом, ижтимоий бурчни англаш ва ҳоказоларни шакллантиришдан

²⁶ Б. Ҳайдаров. “Инсоннома”. Т.: “Вектор-пресс”, 2011 й. 86-бет.

²⁷ Ўша китоб.

²⁸ “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонуни. 1991 йил 20 ноябр (2004 йилдаги ўзгаришлари билан).

иборатдир. Шахсда мазкур сифатларнинг қарор топишида оиладаги соғлом муҳит, оила аъзоларининг психологик жиҳатдан ўзаро яқинликлари, эҳтиёж, қизиқиш ва ҳаётий ёндошувларидаги умумийлик, бир-бирларини ҳар қандай вазиятда қўллаб-қувватлай олишлари, ота-оналар томонидан барча фарзандларига нисбатан қўйилаётган талаблар, шунингдек, уларга кўрсатилаётган эътиборнинг бир хил бўлиши оила тарбиясида ижобий натижаларга эришишнинг омиллари саналади. Оилада муайян анъананинг қарор топганлиги, унга оила аъзолари томонидан билдирилаётган ҳурмат, шунингдек, кекса авлод вакиллариининг шахси, уларнинг ижобий сифатлари, меҳнатда эришган (гарчи у оддий бўлса ҳам) ютуқлари, атрофдагилар билан муносабати борасидаги суҳбат ёки хотираларнинг ташкил этилиши – болаларда ҳаётий эътиқоднинг шаклланишини таъминлайди.

Оилада амалга ошириладиган *эстетик тарбия* болаларда гўзалликни ҳис қилиш, ундан завқланиш, табиат гўзалликларидан баҳра олиш асосида ҳис-туйғу, идрок, тасаввур ҳамда қарашларни юзага келтириш, уларни ҳаётни севишга ўргатишдек вазифаларнинг ижобий ҳал этилишини назарда тутди. Ахлоқий ва эстетик қарашлар мазмуни ўзгарган бир шароитда оилада ахлоқий ва эстетик тарбияни тўғри ва самарали ташкил этилиши айниқса муҳимдир. Болалар жуда ёшлигиданоқ сохта гўзалликлар (ярим яланғоч ёки яланғоч бадан, меъёридан ортиқ қўлланилган пардоз, урфга кириб бораётган косметик операциялар «маҳсули», ўта даражадаги ялтироқ мато ёки тақинчоқлар) гўзалликнинг тимсоли эмаслигини англаб етишлари лозим. Бола тасаввурида ҳақиқий, табиий гўзаллик (яшил табиат, нафис қор учқуни, нозик гуллар, беғубор осмон, виқорли тоғлар, тиниқ зилол сув, тоза, мусаффо ҳаво, бепоён далалар, қушларнинг ёқимли овози, шарқироқ сойлар, камалак жилоси, шунингдек, чиройли табассум, ширали овоз, таъсирчан бадиий ва санъат асарлари, юксак маҳорат билан яратилган ўйинчоқлар (боланинг асабини жунбушга келтирадиган электрон ўйинчоқлар эмас), ярашиқли либослар ва бошқалар)нинг намоён бўлиши учун шарт-шароит яратиб бериш мақсадга мувофиқдир. Болаларда ҳақиқий гўзалликни ҳис этиш туйғуси

табиат бағрида, музей, кўргазма, кино ва театрларда бўлиш туфайли шаклланади. Шу боис, мактабгача таълим муассасалари ҳамда бошланғич синф ўқувчилари билан табиат бағрига, музей, кўргазма, кино ва театрларга уюштириладиган экскурсия ва ташрифлар катта тарбиявий кучга эгадир.

Меҳнат тарбияси ҳам оила тарбиясининг асосий йўналишларидан бири саналади. Шахснинг мустахкам характер ва қатъий ирода эгаси бўлиб вояга этишида меҳнатнинг роли каттадир. Болаларни оилада тўғри тарбиялашда оила хўжалигининг одилона ташкил этилиши, болаларни оила хўжалигини юритиш ишига жалб қилиш катта аҳамиятга эга. Болалар томонидан бажариладиган оилавий юмушлар уларнинг жисмоний ва ақлий камолоти даражасидан ортиқ бўлмаслиги, уларнинг тезда толиқишлари ёки майиб бўлишларига сабаб бўлмаслиги лозим. Болалар зиммасига уларнинг ёши, ривожланиш даражаси, жисмоний қувватига мувофиқ юмушларнинг тақсимлаб берилиши, берилган топшириқларнинг бажарилиши ва уларнинг сифатини катталар томонидан назорат қилиб туриш, бажарилган топшириқларнинг ҳаққоний баҳосига эга бўлган ҳавасини оширади, унда ўз кучига бўлган ишончни юзага келтиради.

Оилада айрим юмушлар катта-кичикнинг бирдек иштирокида, ҳамжиҳатликда бажарилади. Фарзандлар ўртасида ҳамжиҳатлик туйғусини шакллантиришда катта авлод вакиллари – бобо-бувилар ва ота-оналар намунаси катта аҳамиятга эга.

Меҳнатни ташкил этишда ота-оналарнинг шахсий намунаси, ака-опаларнинг ибрати, шунингдек, ота-онанинг бола билан бирга ишлашлари катта тарбиявий кучга эгадир. Оилада – ота-онаси бажараётган иш-юмушларни кўриб, ўрганиш, уларда бевосита иштирок этиш – ҳар қандай фарзанд хотирасида бир умрга ўчмас бўлиб муҳрланиб қолади.

Оилада ташкил этилган меҳнат болаларни фаросатли бўлиш, ишни режали олиб бориш, вақтдан унумли фойдаланиш, тежамкор бўлиш, шунингдек, ўзгалар меҳнати, инсон меҳнатининг маҳсули бўлган неъматларни асраб-авайлашга ўргатади.

Оилада, шунингдек, **атроф-муҳит муҳофазаси** (экологияси)га оид тарбиявий ишлар ҳам ташкил этиладики, бу жараёнда болаларда «инсон-табиат-жамият» тушунчалари ўртасида юзага келувчи ўзаро мувофиқлик борасидаги ғояларнинг қарор топишига замин ҳозирлайди. Оила муҳитида ташкил этилаётган ҳовли сахнини супириб-сидириш, гулзорларни ташкил этиш, кўчатларни ўтказиш ва уларни парвариш қилиш, маиший чиқиндиларни бартараф этишга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш каби ҳаракатлар болаларда табиатни асрашга нисбатан масъуллик туйғусини шакллантиради.

Оилавий ҳаётнинг меъёрида бўлиши кўп жиҳатдан **оила бюджетининг** ҳолатига ҳам боғлиқ. Шу боис оила аъзолари меҳнати эвазига яратилаётган моддий маблағларни тежаб-тергаб, улардан ўринли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шу боис болаларни ҳам ёшликдан пул билан муомала қилишга ўргатиш, ўзининг шахсий ҳамда оила аъзоларининг буюмлари, шунингдек, оила мулкига нисбатан масъулиятли ёндашишга кўникириб бориш муҳим аҳамиятга эгадир. Болаларга пулнинг инсон меҳнатига тўланадиган қиймат эканлигини тушунтириб бериш, уни оиланинг энг муҳим эҳтиёжлари учун ишлатиш лозимлигини уқтириш, улар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатган бўлар эди.

Оилада ташкил этиладиган **иқтисодий тарбия** болаларда иқтисодий саводхонлик ҳамда тафаккурнинг шаклланишида муҳим ўрин тутadi. Болаларда иқтисодий тафаккурни ҳосил қилишда ота-она, оиланинг катта ёшли аъзоларининг намунаси катта тарбиявий таъсир кучига эгадир.

Оила шароитида уюштирилаётган **суҳбатлар** алоҳида диққатга сазовордир. Оммавий ахборот воситалари орқали аҳоли эътиборига ҳавола этилаётган ҳуқуқий мавзулардаги мақолалар, кўрсатув, эшиттириш, шунингдек, оммавий-ҳуқуқий адабиётлар ҳамда уларда илгари сурилган ғоялар юзасидан ўтказиладиган суҳбатлар болаларда ҳуқуқий тасаввур, идрок, саводхонлик, тафаккур, фаоллик, масъуллик, эътиқод ва салоҳиятни қарор топишига олиб келади.

Оила муҳотида **болаларга уларнинг бурчлари** тўғрисидаги маълумотларни бериб бориш, ўз навбатида ҳуқуқларидан фойдаланиш йўлларини кўрсатиб бериш бу борада яхши самара бера олади.

Оила – болаларда **ватанпарварлик, инсонпарварлик** туйғуларини ҳосил қилувчи ўзига хос маскан саналади. Болалар «Ватан», «халқ» тушунчаларининг моҳиятини дастлаб ана шу масканда ўзлаштирадилар. Бинобарин, оиланинг ўзи Ватаннинг бир бўлагидир. Оила шаънини ҳимоя қилиш, уни сақлаш тўғрисида қайғуришнинг Ватан шаъни, эл-юрт манфаати учун курашиш туйғулари билан узвий боғлиқ бўлишига эришиш оилада ташкил этилаётган ижтимоий-сиёсий тарбиянинг асоси бўлиши лозим.

Юқорида қайд этилган тарзда оила тарбиясини ташкил этиш комил инсонни тарбиялаб вояга етказиш муваффақият учун пойдевор бўлади. Фарзандларнинг ҳар томонлама етук бўлиб вояга етишларида ота-она, оиланинг бошқа аъзоларининг дунёқарашлари, ҳаётий ёндашувлари ва маънавий дунёси ўзига хос ўрин тутати.

Шунингдек, ота-оналарнинг муайян даражада педагогик билимларга эга бўлишлари ҳам аҳамиятлидир. Оила ва таълим муассасалари ўртасида ташкил этилган ҳамкорликнинг бош ғояси ота-оналар учун педагогик ёрдам кўрсатишдан иборатдир.

Фарзанд дастлабки маълумот ва ижтимоий меъёрларга амал қилиш борасидаги кўникмаларга оилада эга бўлади. Чунки, оилавий ижтимоий муносабатлар, хусусан, маданий-маиший, иқтисодий-молиявий, мулкӣ муносабатлар ҳамда меҳнат фаолиятини ташкил этишда фарзандлар ўзлари сезмаган, моҳиятини тушуниб етмаган ҳолда мазкур муносабатлар жараёнида иштирок этадилар, демакки, ижтимоий масалалар билан тўқнаш келадилар, натижада бу тарзидаги мулоқотларнинг доимий, қисқа муддатларда такрорланиб туриши улар учун ота-оналар, фарзандларнинг ҳуқуқ, бурч, мажбурият ва масъулиятларини тушуниб етишга ёрдам берувчи ижтимоий объектив шарт-шароитларни яратади.

Ёшлар ҳар бир мамлакат ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий-мафкуравий тараққиётининг таянчи, давлатчилик ривожининг кучи ва қуввати ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Президент И.А. Каримов “... ёшларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг замонавий билим ва касбга эга бўлишини, бугунги ўта мураккаб ва таҳликали замонда мавжуд бўлган ҳар қандай хатарларга, зарарли таъсир ва оқимларга нисбатан огоҳ, сезгир ва хушёр бўлиб яшашини ва жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш” зарурлигини таъкидлаб ўтади.

“Яна бир долзарб вазифа – ўсиб келаётган авлодга, унинг маънавий тарбиясига ниҳоятда катта жавобгарлик ҳисси билан ёндашиш масаласи. Нега деганда, ёшлар халқ маънавиятининг муносиб эгаларидир. Шунинг учун ҳар бир ўғил-қизимиз дастлабки қадамларидан бошлаб маданий бойликларимиздан баҳраманд бўлиши керак.

Истеъдодли ёшларимизнинг, йигит-қизларимизнинг ўз қизиққан соҳаларида етук инсонлар бўлиб етишиши учун тегишли шарт-шароитлар ҳали тўла яратилгани йўқ. Агарки биз ўзимизнинг маънавий бурчимизни оқлашни истасак, уларга оталарча ғамхўрлик қилишимиз керак. Ана шу мақсадда биз уларнинг мамлакатимиз ва четлардаги нуфузли илмий марказларда таълим олиши учун маблағлар ажратдик. Бу ишлар учун ҳеч нарсани, шу жумладан, валютани ҳам аямаймиз.²⁹

“Менинг энг катта армоним оддий, содда кишилар орасида кўпроқ бўлиш, энди ҳаётга кириб бораётган ёш йигит-қизларимиз билан суҳбат қуришдир. Шу оилаларнинг хурсандчилик кунларини бирга баҳам кўриш. Кўп жойларда, одамлар билан учрашганда, қарими, ёшми – агар мени ҳам тўйларингизга таклиф қилсангиз, мен ўзимни бахтиёр сезаман деганим бекорга айтилган гаплар эмас”.³⁰

²⁹ Асосий мақсадимиз-юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини кат-ият билан давом эттириш //Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузасидан // халқ сўзи. 2007 йил 8 декабр.

³⁰ Ватан озодлиги – олий саодат //Президент Ислам Каримовнинг Биринчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг XV сессиясидаги маъруза// Т.: “Ўзбекистон”, 1999 йил 19 август.

Муҳтарам Юртбошимизнинг юқорида келтирилган, миллатимиз ёшларига қарата оталарча ғамхўрлик билан айтган сўзлари ҳамда бу борада амалга оширилаётган ишларни фарзанд тарбиясида меҳр туйғусининг амалий исботи сифатида кўришимиз мумкин.

Оила муҳотида ота ва оналарнинг фарзандлар тақдири учун фавқулодда масъуллиги масаласи ривожланган барча мамлакатларда доимий равишда кун тартибда туради. Мутахассислар томонидан, Японияда ўтказилган тадқиқотларга кўра, ўзаро таниш аёлларнинг бир-бирлари билан учрашиб ўтказадиган суҳбат, мулоқотлари мажмуида 30% гача вақт ўз фарзандларининг ўқиш ва ишларидаги аҳволи, 20 % вақт шахсий такомиллашув, яъни, ўзлаштирган янги касб-корлари, ўқиган китоблари, кўрган фильмлари ҳақида ва 20 %гача вақт эса, таниш-билишларнинг маиший ҳолати, кайфиятлари, соғлиги, турмуш ўртоғининг муаммолари масалалари банд этар экан.

Таққослаш учун, Ўзбекистон аёллари ўртасида ўтказилган тадқиқотда аниқланишича, зиёли аёллар орасида 10%, тижоратчилар ўртасида 5-7%, қишлоқ аёллари орасида 3-5%гача вақт фарзандларнинг таълим борасидаги ўзлаштиришлари аҳволига ажратилар экан. Айни чоғда, аёлларимиз суҳбатлари мажмуида 40-50%гача вақт маиший ҳаёт ташвишлари, қўшнилар муаммолари, дугона ва таниш-билишлар тақдири сингари масалалар таҳлилига бағишланиши аниқланди. Бир қарашда унча ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли туюлмайдиган мазкур қиёсий таҳлил оналарнинг ўз фарзандлари тарбияси, уларни катта ҳаётга мақсадли тайёрлаб бориш ишларидаги ўрнини, пировард натижада эса мамлакатнинг умумий тараққиёти ҳолатига бўлган бевосита ҳамда билвосита таъсирини белгилаб беради.

2009 йил натижаларига кўра, вилоятларда ота-оналарнинг фарзандларига бўлган эътиборлари қай даражада эканликларини билиш учун куйидаги сўровнома ўтказилди:

“Фарзандларингизнинг тарбияси билан қизиқиб турасизми?” деган савол билан мурожаат қилинганда, респондентлар юқори кўрсаткичда “Ҳа,

доимо” деган жавобни (73%) деб бердилар. Кейинги кўрсаткичда 7,2%гина респондентлар “Вақтим бўлганда” деган жавобни берди. Улар орасида фарзанд тарбиясига бепарволар ҳам бўлиб, “Қизиқмайман” деб 5,8% респондент жавоб берди.

“Фарзандларингизнинг тарбияси билан қизиқиб турасизми? ”

Т.Р	Вариантлар	Тошкент шаҳри	Самарқанд шаҳри	Наманган шаҳри	Навоий шаҳри	Вилоятлар
1	Ҳа, доимо	91,7	67,5	74,6	58	73,0
2	Вақтим бўлганда	8,3	12,6	14,8	16,6	13,0
3	Деярли қизиқа-олмайман	0	7,3	10,6	10,8	7,2
4	Вақтим бўлмайди	0	10,6	0	12,6	5,8
5	Фарзандим йўқ	0	2	0	2	1,0
6	Фоииз	100	100	100	100	100

Натижага эътиборни қаратамиз. Демак, респондентларнинг аксарияти ўз фарзандларининг тақдирига бепарво эмаслар. Улар фарзандларининг тарбиясига алоҳида эътибор қилиб, жамиятимиз учун фойдаси тегадиган инсонлар қилиб вояга етказишларига ишончимиз комил. Тадқиқот давомида бола тарбиясини иккинчи даражада кўрадиган ёки умуман беътибор инсонлар борлигига ҳам ишонч ҳосил қилдик. Бундай ҳолат айниқса Самарқанд шаҳридаги респондентлар орасида кузатилди. Бу ота-она ва бола ўртасида боғлиқликнинг йўқлиги, боланинг ҳам ҳуқуқий, ҳам маънавий қашшоқ бўлиб вояга етиши дегани. Бугунги ривожланиб бораётган ҳуқуқий демократик давлатнинг давомчиларига нисбатан бундай муносабат ўта жоҳиллик ҳисобланади. Бунақа ҳолатларга тез эътибор қаратиб, мазкур

туманлардаги ота-оналар билан муттасил ишлашни йўлга қўйиш лозим. Зеро, жамият эртаси, унинг равнақи шу азиз фарзандлар қўлидадир.

Оилавий масъуллик масаласини фарзандга ўргатишда меҳнат тарбияси ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Бу борада ҳам социологлар қуйидаги **“Оилада меҳнат тарбиясини қандай олиб борасиз?”** мазмунидаги сўровнома ўтказдилар.

“Оилада меҳнат тарбиясини қандай олиб борасиз?”

Т.Р	Вариантлар	Тошкент шаҳри	Самарқанд шаҳри	Наманган шаҳри	Навоий шаҳри	Вилоятлар
1	Уй ишлари билан банд қиламан	15,8	43,3	34,0	39,3	33,0
2	Ҳашар ва маҳалла ишлари да қатнашади	21,0	17,4	9,0	14,6	15,5
3	Қўшимча касбга ўргатаман	36,8	21,3	26,8	17,5	25,7
4	Меҳнатнинг таги роҳат экан-лигини ўз ибратим билан қалбига сингдираман	26,4	18	30,2	28,6	25,8
5	Фоиз	100	100	100	100	100

Тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, меҳнат тарбияси ва инсон маънавиятини кўтариш ҳам оиладан бошланиши шубҳасиздир.

Қадимги юнон файласуфи Арасту, меҳнат тарбияси боланинг ирода, хулқ-одатлари ва кўникмалари, истеъдодини шаклланишида муҳим роль ўйнашини таъкидлаган. Умуман меҳнат тарбиясининг улкан аҳамияти ҳақида Форобий, Беруний, Ибн Сино, Рудакий, Шерозий, Навоий ва бошқа мутафаккирлар қимматли фикрларини ёзиб қолдирганлар. “Инсоннинг асосий бурчи ва вазифаси меҳнат қилишдир”, – дейди Беруний. Ибн Сино эса

ёшларга илм бера бориб, уларга хунар ўргатмоқ кераклигини муҳим масъулиятли иш деб ҳисоблайди.

Демак, боланинг меҳнат тарбиясига жиддий ёндошмоқ даркор, ҳар ҳолда, бу жараён қанча эрта бошланса шунча афзаллиги бўлади. Бола қандай оилада ўсишидан қатъий назар меҳнат қилишга албатта ўрганиши, ота-онасининг ёрдамчиси, пировард натижада мустақил инсонга айланиши керак.

Хорижда нашр этилаётган “Бугунги олий таълим” журналининг 2011 йил 11-сонида берилган социологик тадқиқотлар натижаларига кўра, Россиялик ёшларнинг учдан икки қисми бозор иқтисодиёти шароитида инсон ҳаёти учун зарурий ҳисобланувчи миллий кадриятлар қаторига маънавиятни умуман қўшмаганлар. Бу ёшлар ўзлари учун бешта энг муҳим саналган кадриятлар қаторига фақат соғлиқ, оила, карьера, хавфсизлик ва муҳаббатни киритишган. Маънавият, маданият, дўстлик, ватанпарварлик сингари кадриятлар эса умуман тилга олинмаган.

Худди шу йўналишда олиб борилган социологик тадқиқотлар натижаларига кўра, Қозоғистоннинг Евроосиё инновация университети талабалари ҳам маънавият ва маърифат масаласини энг муҳим кадриятлар қаторига қўшмаганлар. Мазкур университет талабалари “чуқур билимли ва маънавий комил инсон бўлиш”ни унчалик муҳим деб билмайдилар. “*Сиз ўз ҳаётингиз учун зарур бўлган 15 та энг муҳим кадриятни белгиланг*” деган саволда улар “чуқур билим ва маънавиятли инсон бўлиш” кадриятини атиги 10-ўринга лойиқ деб топишган. Бундай ёндашувнинг таълим субъектлари, яъни талабалар томонидан изҳор этилаётганлиги мазкур тадқиқотни ўтказган олимларни жиддий ташвишга қўймоқда.

Шукрлар бўлсинки, малакатимизда маънавият омилига устувор аҳамият бериб келинганлиги миллий ўзлигимизни тиклаш, ўзликни том маънода қайтадан кашф этиш имконини беради.

2.2. Инсоний фазилатларнинг оилада шаклланишида катта авлод вакилларининг таъсири ва роли.

Донолар яхши ёки ёмон хулқли бўлишни оилага боғлайдилар. Уларнинг айтишларича, бузуқ хотиндан туғилган ва разил ота кўлида тарбияланган фарзанддан яхшилик кутиш қийин. Чиройли хулқ офтобга ўхшайди, офтоб музни эритгани ёки сув тузни эритиб юборгани каби, чиройли хулқ ҳам барча ёмонликларни эритиб юборади.

Абулбарокат Қодирий

Имом ибн Жавзий раҳматуллоҳи алайҳ инсон умрини беш мавсумга бўлади:

1. **Сабийлик, норасидалик.** Бу мавсум гўдакликдан то 15 ёшга етгунча ўтадиган умрдан иборатдир.
2. **Йигитлик, ўсмирлик** мавсуми. Бунинг интиҳоси то 35 ёшга тўлгунча.
3. **Ўрта ёшлик** мавсуми. Бунинг миқдори то 50 ёшга етгунча.
4. **Кексайиш** мавсуми. Бунинг интиҳоси то 70 ёшга киргунча.

Қариллик даври. Бунга 70 ёшдан кейинги умр киради.³¹

Юқоридаги маълумотларни келтиришдан мақсад – инсон умрининг ҳар бир даври муайян камолот босқичлари саналиб, айниқса, ёш-гўдаклик даврининг масъулияти каттадир. Зеро, муқаддас ҳадисларда айтилганидек: “Ёшликда олинган билим – тошга ўйилган нақш кабидир”.

Агар фарзанд оилада севилиб, меҳр билан тарбияланса, у ўзига нисбатан ҳам ижобий фикрда бўлиб, ақлли, фикри теран, соғлом бўлиб ўсади. Доимий равишда танқидга учраган бола эса, кўп ҳолларда ўз қадрига етмайдиган ҳамда салбий фикр билан вояга етиб, доимо ўзини севги, обрў, меҳр-шафқат ва ҳурматга нолойиқ, дея ҳисоблайди. Меҳр кўрмаган боланинг кўчада тенгдошларига қўшилиши жуда қийин бўлади. Бора-бора улар ўз қобиғига ўралиб, тажовузкор хулқ-атворга эга бўлади. Шафқатсизлик ва тажовуз ташқи дунё билан мулоқотда асосий воситага айланиб қолади. Рухшуносликда ҳатто, «ўткир меҳр етишмаслиги» деган термин ҳам мавжуд.

³¹ “Мусулмонлар тақвим китоби”дан. 2008 й.

Ҳиндларда шундай мақол бор: «Фарзандни беш ёшгача подшо бил, беш ёшдан ўн беш ёшгача унга хизматкорингдек қара, ўн беш ёшдан кейин эса унга тенгдошдек муомала қил». Беш ёшгача бўлган даврдаги хотиралар кексаликда ҳам сақланади. Болаликда меҳр кўрмаган инсонлар улғайгач, бошқаларга меҳр бера олмайди. Уларнинг онгида эзгулик ва ёвузлик чегаралари қоришиб кетади. Инсоний иллатларнинг аксарияти меҳрсизликдан бошланади.³²

Юқоридаги фикрлар оиладаги муҳит фарзанд – Инсон ва ниҳоят, Шахс тарбиясида нақадар муҳим ва ҳал қилувчи ўрин тутишини яққол кўрсатиб турибди.

Меҳр, Қадр, Дўстлик, Гўзаллик каби фазилатлар инсоннинг улкан имкониятлари сирасига киради. Бу хислатлар ёрдамида ҳаётда жуда кўп нарсаларга эришиш мумкин.

Меҳр ва Қадр – инсон ҳаётига мазмун киритади. Меҳрсиз оилада, жамоада, умуман, бу дунёда яшашнинг қизиғи, мазмуни, қолаверса, фойдаси ҳам йўқ. Қадр ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Қадрсиз инсон – тирик мурда.

Меҳр – бу ўз-ўзидан пайдо бўладиган туйғу эмас. Агар инсонлар кўпроқ нимага муҳтож, деган савол кўндаланг қўйилса, меҳр-муҳаббат, деган жавоб кўпроқ тўғри келади.

Меҳр, нафақат инсонлар, балки барча жонли мавжудотлар энг кўп муҳтож бўлган туйғудир. Рухшуносларнинг тадқиқотларига қараганда, Инсон ўз атрофидагиларга қанчалик кўп меҳр кўрсатса, мақсадларига шунча тезроқ эришади ва энергияси ортади. Аслида, бу – ҳеч қандай тадқиқотсиз, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир инсон тан олувчи оддий ҳақиқатдир. Меҳрдан оддий ва самарали нарса йўқ. Меҳрнинг шакл-шамойилини кўриб, қўл билан ушлаб бўлмайди. Лекин у бутун вужуд билан ҳис этилади. Меҳрсиз инсон ҳаётида мазмун бўлмайди. Меҳрсиз инсоннинг чехраси нурсиз бўлади.

³² Б.Ҳайдаров. “Инсоннома”. Т.: “Вектор-пресс”, 2011 й. 128-бет.

Демак, Меҳрни аввал инсонга бериш, сўнгра бу туйғуни тарбиялаш лозим экан.

Ҳадис: Аллоҳ таоло ўз раҳматини юз бўлак қилиб яратиб, тўқсон тўққиз бўлагини ўзида сақлаб қолди. Унинг бир бўлагинигина ерга нозил қилди. Аллоҳ таолонинг ерга нозил қилган ана шу бир бўлак раҳмати туфайли бутун борлиқ ўзаро раҳмдиллик қилгайдир. Ҳаттоки, от ҳам боласини майиб қилиб қўйишдан чўчиб, туёқларини эҳтиёткорона кўтариб боради. (Бухорий ва Муслим ривояти)

Халқимизда: “Шакарнинг ҳам ози яхши”, деган мақол бор. Шоир айтганидек, “Бисёр бўлса агар – бол ҳам бекадр”. Ҳар нарсада бўлгани каби, меҳр беришда ҳам меёр бўлиши шарт.

Меҳрсизлик бир фожеа бўлса, унинг ҳаддан зиёди ҳам худди шундай натижа келтиради.

“Меъёридан зиёд” меҳр ҳақида айрим олимлар **“Меҳр профицити”** тушунчасини ишлатадилар.³³

Профицит – аслида иқтисодий термин. Бу тушунча бюджетдаги даромадлар қисмининг харажатлар қисмидан катталигини англатади. Айни пайтда меҳр-мурувватнинг инсон олдига қўйилаётган талаблардан кўплигини ҳам профицит деб баҳоласа бўлади. Таъбир жоиз бўлса, буни “меъёридан ортиқ меҳр”, “меҳрни суистеъмол қилмоқ”, “меҳр денгизида сузмоқ...” қабилида ҳам тушунтириш мумкин. Хўш, бунинг сабаблари қаерда?

Ҳаётда ўзлари қийналиб, курашлар ва катта саъй-ҳаракатлар эвазига муайян мавқега эришган айрим инсонлар, “биз қийналдик, фарзандларимиз қийинчилик кўрмасинлар”, деган қабилида уларни бундай тақдирдан асрашга интиладилар. Ёшликларида қорни тўйиб нон емаганликлари боис, фарзандларига ноннинг сарасини олиб берадилар. Ўзларининг лоақал ўйинчоқлари бўлмагани сабабли, энг сара ўйинчоқ, кийим-бошни болаларига раво кўрдилар. Бир ҳовли қуриш учун дунёнинг азобини тортганлари боис, фарзандларига муҳташам, ҳеч бўлмаса ўзгаларникидан кам бўлмаган уй-жой

³³ С.Чориев. “Тан олинмаган “даҳолар”. “Моҳият” газетаси, 2007 й. 26 янв. №4 (337)-сон

куриб бердилар. Боланинг ўқиши, ишга кириши, маиший шароити – барча-барчаси ота-онанинг зиммасида бўлиб қолди.

Қизиғи шундаки, ўзи қаттиққўл домла тарбиясини олган, шунинг учун ҳаётда яхши мавқеларга эришганини таъкидловчи инсон, ўз фарзандига нисбатан бундай талабчанликка... рози бўлмайди! Балки, шу сабаблидирки, “Ота меҳридин афзал – жабри устод” деган ҳикматга бугунги шогирдлар онгида ўрин йўқ.

Улуғ Амир Темур ҳазратларининг: “Курашиб эришилмаган ғалаба – ғалаба эмас” деган қимматли ҳикмати ҳозирги айрим арзандаларга жуда эриш туюлса, ажаб эмас.

Шу ўринда санъатшунослик фанлари доктори, профессор Сарвиноз Қодированинг санъатшунос мутахассислар тайёрлаш борасидаги айрим муаммоли фикрларини эсга олиш ўринлидир:

“Авваламбор, бизга таълим олишга келаётган ёшларнинг аксарияти театр таълимидан йироқ, бу нафақат театршунос гуруҳларига тегишли. Кўп талабалар тасодифан бу соҳага келиб қолган. Ҳаммамизга маълумки, икки поғонадан иборат кириш имтиҳонларининг асосий қисмини ижодий имтиҳон ташкил этади. Ижодий имтиҳонлар ёзма ва оғзаки шаклда ўтказилади. Кўп ҳолларда ижодий имтиҳондан яхши баҳоланган, бу соҳада иқтидорли деб ҳисобланган талаба, умумий тестлардан паст баҳо олиб йиқилади. Натижада ўқишга танланган талабалар эмас, омади чопган талаба киради. Сўнгра профессор-ўқитувчилар мана шу талабалардан мутахассис яратишлари лозим бўлади. Бу анча қийин кечадиган жараён.

Бизнинг назаримизда, соҳа эгаларини шу соҳада мутахассислашган коллеж ва санъат мактаблари битирувчилари орасидан қидириш керак. Ҳар ҳолда бу ўқув юртларида санъатдан хабардор педагоглар дарс беришади. Ҳозирда эса биз кўчадан келган, театр ва унинг маҳсули бўлмиш спектакль

нима эканлигини билмайдиган тасодифий болалардан мутахассис яратишимиз керак бўлмоқда”.³⁴

Санъатшунос олима назарда тутган “тасодифий” талабалар, ўзларининг эмас, балки ота-оналарнинг астойдил саъй-ҳаракатлари туфайли институтга кирган, ота-оналарнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлашлари (контракт пулларини тўлаш, кийиниш ва яшаш учун тўлиқ шароитлар яратиш ва ҳ.к.) туфайли “ўқиётган” талабалар эканлигини эътироф этишимиз керак.

Ота-она меҳри фарзанд учун гўёки бир куёш. Аммо куёш нурининг ҳам хаддан ташқариси қандай зарарли бўлиши ҳаммага маълум.

Айрим ўзига тўқ оилаларда арзанда боланинг оддий бир юмушни уддалаши ҳам баъзан катта ютуқ деб баҳоланади. Айтайлик, ўзи шундоғам ечиши лозим бўлган масалани уддалай қолса, ота-онаси уни иқтидор соҳиби санай бошлайди. Натижада ўзини ҳақиқатдан ҳам иқтидорли, деб баҳоловчи тоифа вужудга келди. Афсусланарли жиҳати шундаки, чуқурроқ таҳлил қилганда, бу тоифа вакилидан иқтидор тугул, оддий саводхонлик асосларини топа олмайсан. Бугунги кунда бу тоифадаги ёшлар учун ота-она меҳри ижтимоий суғурта шаклига, истаганча фойдаланиш мумкин бўлган “битмас-туганмас” хазинага айланган.³⁵

Ёш авлодни юқоридаги каби “ўта меҳр” (тўғрироғи – худбинлик) руҳида тарбиялаш ҳолатлари кейинги вақтларда “Эгоцентризм” кайфиятининг пайдо бўлишига олиб келмоқда. Эгоцентризм нима? “Эгоцентризм худбинликнинг бир кўриниши бўлиб, фақат ўзини, ўз манфаатларини ўйлаб яшаш, бошқа ҳеч нарсани тан олмасликни билдиради. Инсониятга етказадиган зарари нуқтаи назаридан бу иллат жаҳолат ва ақидапарастликдан асло қолишмайди”.³⁶

Эгоцентрист, дунёнинг, ҳаётнинг маркази – мен, деб ўйлайдиган, шунга амал қиладиган одам. Унинг ўзидан ўзга нажоти, суянчи йўқ. У ўзини

³⁴ С.Кодирова. Театршунос кадрларни тайёрлаш масалаларига доир. ЎзДСМИ илмий-амалий конференцияси материалларидан. 2013 й.

³⁵ С.Чориев. “Тан олинмаган “даҳолар”. “Моҳият” газетаси, 2007 й. 26 янв. №4 (337)-сон.

³⁶ М.Курунов. “Эгоцентризм – ёввойилик фалсафаси”. “Халқ сўзи”, 2006 й. 10 октябрь.

тутиб олгунча ота-онасига таянади. Аниқроғи, ота-она арзанда қилган чиройли, совуқ кўзли, очкўз гўдак, бола, ўсмир, йигит, киши, мўйсафед.

Ота-она ўзлари тукқан боласини бу дунёнинг марказига айлантириб олишади. Болага буни (дунёнинг маркази бўлишни) ўргатишади. Бундай ота-оналар тарбияда “Фақат менинг боламга яхши бўлиши керак. “Болам бахтли бўлиши керак”, деган орзу камлик қилади. “Менинг болам ҳаммадан бахтли бўлиши керак”, деган принципга амал қиладилар ва адашадилар. Боласининг истаган, ҳатто истамаган нарсаларини ҳам уйиб ташлашади. Меҳнат, бировга ғамхўрлик, бошқа одамлар, болаларнинг ҳурмати, манфаати ҳам борлигини эслатмайдилар. Бола аввал боғчага, кейин мактабга борганида бошқалардан ота-онасидек ғамхўрликни кутади. Кўрмагач, талаб қилади. Муомала, муроса, бурчни билмайди. Масъулиятсиз. Ота-она буни қўллаб-қувватлайди. Бошқа мактабга кўчиради. “Катта бўлса, ҳаммаси жойига тушиб кетади”, - деб ўзларини алдашади. У катта бўлади. Унга қўшилиб талаблари, ишёқмаслик, масъулиятсизлик, бошқаларга иддаолари, иллатлари ҳам вояга етади. Кучга киради.

Ота-онанинг белидан кучи, чўнтагидан қурби кетавергач, энди улар боласи назарида ҳеч нарса олиб бўлмайдиган, кераксиз одамларга айланиб қолади. Эгоцентрист-худбинларнинг биринчи қурбонлари – уларнинг ота-оналари бўлади. Чунки бундайларда, одамларга беғараз яхшилик қилиш керак, деган тушунча шаклланмаган бўлади. Шунинг учун ҳам “Сен Ватанингга нима бердинг”, десангиз у: “Ватаним менга нима берди?” дейди ўқрайиб. Чунки у туғилгани, яшаётгани, борлиги учун ҳамма унга нимадир бериши керак. У эса ҳеч кимга ҳеч нарса бермаслиги керак. Шунинг учун у сизга фойдаланса бўладиган ё бўлмайдиган нарса деб қарайди. Инсон деб эмас. Шундай яшаб ўтади.³⁷

Инсонда қўрқув ва қўрқоқлик туйғуси ҳам асосан, унинг атрофидаги муҳит ва тарбия орқали шаклланади. Ўта қўрқоқлик, гарчи инсоний хусусиятлардан бири саналса-да, у “камчилик” деган таърифдан кўра, кўпроқ

³⁷ М.Қуронов. “Биз англаётган ҳақиқат”. Т.: “Маънавият”, 2008 й. 104-бет.

“гуноҳ” деб ҳисоблашга мос иллатлардан бири, дейиш мумкин. Чунки, соф эътиқодли мўъмин фақатгина Яратгандан ва унинг қаҳридан қўрқиши лозимлиги кўҳна китобларда дарж этилган. Бинобарин, қодир Яратгувчининг ўзидан эмас, балки У яратган махлуқлардан қўрқиш – иймоннинг заифлигидан дарак беради. Қадимги юнон файласуфи Антисфеннинг таърифича, “Ўзгалардан қўрқувчи кимса, гарчи ўзи буни сезмаса-да, қулдир”.

Энди биров мушоҳада юритайлик: қул ҳам – Инсон. Баъзан қулнинг ақл-идроки ва фикрлаш даражаси ўз “хожа”си бўлмиш қулдорниқидан анча баланд бўлади. Аммо у нега қул бўлган? Асосан – қўрқоқлиги учун. Яъни, ўтмишда жангда қўрқоқлик қилиб, асир тушганлар қул қилинган. Қул – эркин шахс эмас, балки бир иш ҳайвони ёки товар сингари “нарсa”. Худди ўзига ўхшаш одамлар томонидан сотилади ва сотиб олинади. Баъзан ғолиблар, жасур ва мардлиги учун мағлуб рақибига ҳурмат юзасидан унга озошлик берган ҳолатлар бўлган. Демак, жасурлик, ҳатто душман томонидан ҳам юксак баҳоланади. Қўрқоқлик эса... Буюк ислом саркардаси Холид ибн Валид сўзлари билан айтганда, “Қўрқоқ кишилар яхшилик қўрмагайлар”.³⁸

“Кишидаги энг ёмон ҳислат – ўта бахиллик ва ўта қўрқоқликдир”, дейилади муборак ҳадисларда. Инсон ҳаётда кимдандир ва нималардандир доимо қўрқиб яшайди. Қўрқувнинг турлари кўп: фақирликдан, касал бўлишдан, душмандан, бошлиқлардан, жин ва ажиналардан, ўлимдан қўрқиш... Шунингдек, узоқ сафарлар – бегона юрт, бегона муҳит, мавҳумлик, эҳтимолий қийинчилик-мушкулотлардан қўрқиш ҳам шулар жумласидандир.

Қўрқувнинг моҳияти нима? Таниқли адиб Тохир Маликнинг таърифича, қўрқоқлик – сониянинг мингдан бир улушида онгнинг хиралашувидан иборат. «Онги хира» одамдан нимани кутса бўлади?

Бугунги кунда уйнинг, айниқса кўп қаватли уйлардаги квартираларнинг харидоргирлик сифатларидан бири – темир эшиги бор-йўқлиги билан белгиланади. Уй сотувчи уйида темир эшик борлигига алоҳида урғу беради. Харидорларни ҳам шу нарсa қизиқтиради. Лекин, бир

³⁸ Алихонтўра Соғуний. “Тарихи Муҳаммадий” асаридан. “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. Тошкент – 2004. 393-бет

ўйлаб қарасак: атиги икки хонали «дом»да темир эшик ва панжаралар бўлиши шартми? Кимдан ва нима учун қўрқишимиз керак ўзи?!

Яратганга беадад шукр, юртимиз тинч. Унда, темир эшиклар ва чўян панжаралар нега керак? Огоҳлик – давр талаби. Лекин ҳаммаёққа темир эшик ва панжаралар ўрнатиш огоҳликка кирадими ёки ҳадиксираш ва қўрқув натижасими бу? Маҳаллада ўғри-безори кўпайган тақдирда ҳам чўян панжаралар бу муаммодан халос этмайди-ку? Демак, нима бўлганида ҳам, қўрқоқлик ижобий ҳолат эмас. Темир эшикларнинг кўпайиши ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин.

«Аллоҳ Расулини ҳимоя қилар экан, уни қават-қават совутлар ва юксак калъаларга муҳтож этмади. Аллоҳ ғорда Ҳабибини асраш учун кабутар ини-ю ўргимчак тўрини кифоя қилди, холос...»

Ислом оламидаги энг машҳур «Қасидаи бурда»³⁹нинг ушбу байти эрталаб уйдан чиқиш, эшикни очиш ва ёпиш, сафарга отланиш, бирор уловга минишда ўқилган. Мана шу мўъжизакор байт эътиқодли одамларнинг кўнгил хотиржамлиги учун кифоя қилган.

Хонадонлардаги қават-қават темир эшиклар-у дераза панжаралари, идоралар атрофидаги маҳобатли чўян панжара-деворлар бизни кимдан асраши керак?! Нечоғлик асрай олади? Бунинг асл сабабларидан бири – доимий қўрқув ва ишончсизликда эмасми? Атрофимизда кимлар яшайпти ўзи? Ишонч билан гумоннинг орасида қанча масофа бор? «Гумон – иймондан айиради», дейдилар. Демак, ўзимизни чўян панжаралар билан ихоталашимиз – иймоннинг сустлигидан эмасми? Ҳазрати Али розияллоҳу анҳу шундай деганлар: “Агар осмон – камон, тақдир – ўқ бўлса, камончи Парвардигорнинг ўзидир; ундан қаерга ҳам қочардинг?”

Биз буюк келажакни, ёруғ манзилларни кўзлаган халқмиз. Улуғ ишларнинг аввали – яхши ниятдир. Ишончсизлик ва гумон эса бунинг акси. Ўта эҳтиёткорлик ва жонсарақлик ҳеч қачон яхши тассурот қолдирмайди. Бу «хислат»лар одатда шубҳа, гумон ва қўрқувдан туғилади. Буюк келажакка

³⁹ «Қасидаи бурда» - Мисрлик машҳур сўфий шоир Муҳаммад ибн Саъид ал-Бусирий (1212 - 1292) қаламига мансуб машҳур асар.

дилда шубҳа-гумон ва кўрқув билан етиб бўлмайди. Қолаверса, доимий кўрқув остида яшашнинг дўзахдан фарқи йўқ. **«Фалокат келишидан кўрккан йўлингни тарк эт, зеро, бир ишда фалокат сезилганда, уни тарк этмоқ кўрқув билан олға сурилмоқдан хайрлидир»**, деганлар ҳазрати Али розияллоҳу анҳу. Яна Пайғамбаримиз Муҳаммад солаллоҳу алайҳи васаллам ибратларига мурожаат қиламиз: «Ул зот тўйларга борар, беморларни бориб кўрар, жанозаларда иштирок этар, ҳатто душманларининг орасида ҳам кўриқчиларсиз юрар эди. Ул зот энг тавозели, энг кўнгли очик ва кибрни билмайдиган зот эди. Ул зот узундан-узоқ сўзлашни ёқтирмайдиган, сўзга уста эди. Ул зот энг оҳанраболи зот эди. Ул зот *дунёда ҳеч нарсадан кўркмас эди*»⁴⁰.

Қонун – бу эркинлик демакдир. Аммо бу эркинлик темир эшик, чўян панжаралар қуриб олиш, дегани эмас. Одамлардаги шубҳа, хавотир, кўрқув ва ишончсизликни фақатгина қонун кучи билан йўқотиш мумкин. Қонунларнинг асл қудрати эса уларда адолат акс этганлигидадир. Қонунга, яъни адолатга ишонган одамлар турли шубҳа-ю, кўрқувлардан холи бўладилар. Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу даврларида бир ҳоким унга хат ёзиб, шаҳрини девор билан ўраш учун халифадан маблағ сўрайди. Ҳазрати Умар унга шундай жавоб ёзадилар: «Сен яхшиси, шаҳрингни адолат билан ўра. Зулм ва фиску-фасодни ташқарига чиқариб ташла. Шунда деворга эҳтиёж қолмайди». Демократик ҳуқуқий давлатда қонуннинг кучи ана шундай бўлади. «Ўз уйингни ўзинг асра» шиори асло темир эшик ва панжаралар ортига беркинишни тарғиб этмайди. Балки тинч ҳаётнинг қадрига етмоқ, доимо огоҳликда бўлиш, осойишталик учун курашишга чақиради. Зеро, ҳаёт қадрига етган кишилар ўлимдан камроқ кўрқадилар. Мустаҳкам девор ва панжаралар куч-қудратнинг эмас, балки ожизлик ҳамда кўрқувнинг белгисидир.

Темир эшик ва баланд панжаралар, уларнинг ортида ўсаётган фарзандлар онги-руҳиятига таъсир салбий кўрсатмайдими? «Кўрқоқлик –

⁴⁰ Тимоти Ж.Уинтер. (Абдулҳаким Мурод) «XXI асрда ислом: постмодерн дунёда қиблани топиш». Тошкент, «Шарқ», 2005 й.

шафқатсизликнинг онасидир», деган экан бир донишманд. Демак ножўя гуруҳлар ва оқимларга эргашиб, нонкўрлик, хоинлик кўчасига кираётган баъзи ёшларнинг ноқис онги шаклланишида ҳам айнан кўрқоқлик хусусияти хамиртуруш вазифасини бажармаяптими? Чунки, кўрқоқ кимсалар ростдан ҳам шафқатсиз бўлишади. Ўта кўрқоқлик – айб. Ўшандайлар аксарият бемехр, мурувватсиз, ғирром... бўладилар. Террорчини асло «мард» ёки «ботир» деб таърифлаб бўлмайди. Шунингдек, қўша-қўша темир эшиг-у панжаралар ортида довюрак ва кўрқмас авлодни тарбиялаш мумкин, дея бировни ишонтириш қийин. Шуниси аниқки, Алпомиш, Рустами дoston, Пахлавон Маҳмуд, Темур Малик каби баҳодирлар, Имом Бухорий, Хожа Баҳоуддин Нақшбандий каби буюк алломалар темир эшиклар ортида улғаймаганлар. “У пайтлар замон бошқа эди”, деювчиларга жавоб шуки, Замон – Аллоҳникидир!⁴¹

“...Кўрқув, чўчиш туйғуси янгилик, ташаббус, яратувчанлик, бунёдкорлик, илҳом сингари фазилатлар рўёбини инкор этади. Кўрқув, ҳадиксираш ҳисси ўзликни намоён этишни эмас, ўзликни сақлаш инстинктига урғу беради. Кўрқув тараққиёт кишани, камолот, ўсиш, ўзгариш учун йўл ҳам, имкон ҳам қолдирмайди. Кўрқув одамларда ҳаёт учун энг зарур нарсаларга боғлиқлик ҳиссини оширади. Кишиларда ана шу энг сўнгги илинжлар ҳимояси йўлидаги хавотир, ваҳима, жонсарақлик кўзга аён ташлана бошлайди. Энг зарур нарсалар сўнгги бир ярим асрдаги мазлум ўзбек наздида егулик бир парча нон, бир тўн, бир пичоқ, хотини, болалари, бир парча ери, бир сигири, бир туркум ирим-сиримлар билан увадаси чиқиб чиркин ҳолатга келиб қолган, ўзгалар наздида кулгили моҳият-мазмун ифодаловчи урф-одатлар, маърака-маросим ва ҳоказолардан иборат бўлиб қолди”.⁴²

Рус мутафаккири Лев Толстой шундай ёзган: “Қалбан кўрқоқ бўлмаган одамларгина ҳар қандай давр ҳақиқатларини англашга, уни ўз эътиқодларича ўзгартиришга, ниманидир бузишга, яратишга қодирдирлар”.

⁴¹ Бахтиёр Ҳайдаров. Сафар олдидан сафар. Т.: “Вектор пресс”, й. 148-бет.

⁴² Мансур Бекмуродов. “Ўзбек менталитети”. Тошкент “Янги аср авлоди”, 2004 й.

Шу ўринда биз катта ғурур билан мухтарам Юртбошимиз Ислом Каримовнинг улкан жасоратини эсга олишимиз ўринлидир. Президентимиз Ўзбекистонни мустақил, деб эълон қилганларида, ҳали собиқ Иттифоқ куч-қудратда барқарор эди. Халқимизга буюк аждодлар номини тилга олиш, миллий байрамларни нишонлаш, ҳатто, ўз ота-онасининг жанозасида катнашиш ман қилинган вақтлар яқиндагина ўтганди. Бу мудҳиш кунлар одамларнинг хотирасидан кўтарилмаган давр эди ўшанда. Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов хотираларидан:

– 1991 йилнинг 31 август куни сессияда Президент Ислом Каримов 1990 йил декларациясидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасини мустақил деб эълон қилган дақиқаларда ҳамма масаланинг моҳиятига тушунмай, хангу-манг бўлиб қолган, ғафлат босиб, нима гаплигини билгунча, Юртбоши:

– Нима, сизларга мустақиллик керак эмасми? Қани табрик, қани чапак, деганида депутатлар ўзига келиб, қарсаквозлик қилишганди.⁴³

Улуғ жасорат кўрсатишга ҳамма ҳам қодир эмас. Барчага насиб этмайди. Лекин эл-юрт ва миллатнинг асл фарзанди ва қаҳрамони бўлиш учун бундан бошқа йўл ҳам йўқ! Мухтарам Юртбошимиз айтганларидек, “Бу ҳам Аллоҳнинг инояти. Худо берган оғир, масъулиятли бурчни оғишмай, доҳийлик касалига берилмай адо этиш учун жуда катта ақл-идрок ва фаҳм-фаросат керак”.⁴⁴

Қўрқоқ ва қул табиатли одамларни итоатда тутиш, ҳар қанча бемаъни ва ҳақоратли усуллар билан бўлса-да, бошқариш жуда осон бўлади.

Шу билан бирга, айнан қўрқоқлар шафқатсиз бўлишади. Чунки уларда мардлик, бағрикенглик, орият, ғурур каби хислатлар бўлмайди. Энг ёмони – қўрқоқларнинг шафқатсизлиги душманга эмас, балки ўз қавмдошлари ва жамоадошларига нисбатан бўлади. Шунинг учун тақдир тақозоси билан бирорта мансабга ўтириб қолган қўрқоқдан даҳшатлиси бўлмайди. Бундай

⁴³ Маҳмуд Сатторов. “Қул устида чўғ”. Тошкент, “Шарқ”, 2008. 55-56-бетлар.

⁴⁴ Инсон бахт учун туғилади. Ўзбекистон Президенти Ислом КАРИМОВнинг ҳикматли сўзларидан. Т.: “Шарқ”, 1998 й. 40-бет.

жамоада ўзаро ишончсизлик, фитна-фасод ва сотқинлик каби иллатлар урчийди. Жамоадан файз-баракот кетади.

Қўрқоқнинг ҳаловати бўлмайди. Қалбини доимо шубҳа-гумонлар кемиради. У яхши ва хайрли оқибатдан умид қилиш ўрнига, нукул бадбин ўйлар ичида юради. Донишмандлар айтишганидек, “Эҳтиёткорлик – тақдирни ўзгартира олмайди”. Қўрқоқ, самимий ва яйраб кулиш бахтидан ҳам бенасиб бўлади. Унинг кулгуси сохта. Чунки, шубҳа ва қўрқувга тўла калбада кулгу-табассумга ўрин бўлмайди.

Яна бир гап бор: “Муқаррар нарсадан қўрқиш нодонликдир”. Ҳаётда доимий қўрқув остида яшашдан ортиқ азоб йўқ. Шунинг учун донишмандлар, **“Охири йўқ даҳшатдан кўра, даҳшатли охираат афзалроқдир”**, – дейдилар.

Муборак ҳадисларда шундай дейилади: “Кишидаги энг ёмон хислат – ўта бахиллик ва ўта қўрқоқликдир”.

Оила муҳотида ота-оналарининг гап-гаштаклари, сархуш зиёфатлари, карта ва нарда ўйинлари билан машғуллигини тез-тез кўрувчи фарзандлар, улғайгач, албатта, ўша муҳитни “келган жойидан” такрорлайдилар. Айрим ота-оналар, фарзандларини энг замонавий компьютерлар, уяли телефонлар ва шунга ўхшаш қимматбаҳо матоҳлар билан таъминлаб, ўз вазифаларини бажардим, деб ҳисоблашади.

Илм-фан тараққиёти ва жамият ривожланиши билан оилада фарзанд тарбиясида ҳам ўзгаришлар пайдо бўлмоқда. Фарзанд тарбияси ва Интернет. Оилада баркамол авлод тарбияси юзасидан олимлар ва тадқиқотчилар томонидан олиб борилаётган илмий изланишлар жараёнида ечимини кутаётган янги-янги қирралар очилиб, муаммоли вазиятларни ҳал этишга тўғри келмоқда. Бу ҳолатнинг содда кўринишларидан бири замонавий техникаларни ҳаётда кенгроқ тадбиқ қилиб ундан самарали ва тўғри фойдаланишни йўлга қўйишдек масала мисолида ҳам кузатиш мумкин. Бугунги кун фарзандлари барча замонавий техникалардан фойдаланишда ота-оналаримиздан кўра фаолроқ иштирок этмоқда. Интернетдаги турли

сайтларидан ёки порталларидан осонлик билан фойдаланиб жараёнга доир ўз мулоҳазаларини ҳам қолдирмоқда. Бола ўқув муассасасида ўз ўқитувчиси, уйда ота-она назоратида бўлишини яхши билади. Уларнинг назоратдан холироқ бўлиши мумкин бўлган жой бугунги кунда – интернетдир. Интернетдаги турли ёзишмаларда тил меъёрларига риоя қилиш талаб этилмайди, орфографик хато учун паст баҳо қўйилмайди, мазмун ҳам шунга яраша. Бир қарашда бу ҳолат унчалик жиддий муаммо эмасдек кўриниши мумкин. Бироқ, кичик хатоларнинг доимий такрорланиши одатга айланиши тайин. Бундай ҳолат фарзанд одобига салбий тасир қилишидан ташқари, унинг тил меъёр қоидаларини билмайдиган чаласаводга ҳам айлантириши жуда осондир. Бунинг олдини олиш чоралардан бири – фарзанд ёки бошқа яқинларимиз интернетдан қайси сайтлардан фойдаланмоқда ёки ўзининг шахсий электрон манзили (почтаси)да қандай кўринишдаги фото ёки видеоларни жойлаштирмоқда – буларни ҳам мунтазам назоратга олиш зарур.

Ушбу бобдаги мулоҳазаларга атоқли маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг мана бу фикрлари билан якун ясаймиз: “Тарбияни туғилган кундан бошласак, вужудимизни қувватландурмак, фикримизни нурландурмак, ахлоқимизни гўзалландурмак, зехнимизни равшандурмак лозим экан. Тарбияни кимлар қилур? Қандай қилинур? Бу саволга “биринчи уй тарбияси” деб жавоб бермак лозим”.⁴⁵

III-БОБ. КАТТА АВЛОДЛАР – ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИНИНГ ТАЯНЧИ.

Бугуни кунда биз ҳеч кимдан кам бўлмайдиган демократик давлат, халқимиз учун озод ва фаровон ҳаёт қуриш мақсадлари билан яшар эканмиз, оила институтини янада мустаҳкамлаш, бу борада олиб бораётган

⁴⁵ Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 160-б.

ишларимизни янги босқичга кўтариш алоҳида аҳамият касб этади.⁴⁶

Ислом КАРИМОВ

3.1. Оиладаги муаммолар ва келишмовчиликларни бартараф этишда катта авлодларнинг ўрни.

Донишмандлар, “Уйланиш, бамисоли иккинчи туғилишдир”, дейдилар. Оила қуриш айниқса, эркак зоти учун ўта муҳим масала саналади. Қайси жихатдан олиб қараманг, нафақат оила, балки дунёнинг асосида – ишқ, севги, муҳаббат ётади. Атоқли тасаввуфшунос олим Нажмиддин Комилов: “Жуда кўп ирфоний тушунчаларнинг шарҳи муҳаббатга бориб такалади”, – дер экан, айти ҳақиқатни айтади.⁴⁷ На эзгуликни, на яхшиликни, на ватанпарварликни, на инсонпарварликни муҳаббатсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу билан бирга, улуғ Абдулла Қодирийнинг эътирофича, “Балки, муҳаббат бахтлики кишилар учун яхшидир, лекин ўз тажрибамча, бахтсиз киши учун бадбахтликдир...”

Дунёда икки жинс муносабатларида улкан эврилишлар содир бўлмоқда. Бунинг оқибатлари яна ўн йиллардан сўнг яққолроқ намоён бўлса ажабмас. “Жамиятда кучлар нисбати аёллар томонга оғиб борапти. Дунёнинг энг етакчи давлати бўлган АҚШда давлат котиби лавозимини кейинги вақтларда аёллар эгаллаб келмоқда. Бошқа давлатларда ҳам шундай тенденцияни кузатиш мумкин. Мамлакатдаги жами олди-сотти ишларининг 70 фоизи аёллар ташаббуси билан амалга ошади. (Бизда-чи?) Бу йилдан бошлаб Америкада жами ишловчи фуқароларнинг ярмидан кўпи аёллар ҳисобига тўғри келди. Кези келганда, аёллар эркаклардан кўпроқ пул топишмоқда, эркакларча кийинишмоқда, эркакча ҳазиллашиб, эркакча машиналар сотиб оляптилар. «Эркакча характери» борлигидан ғурурланмоқдалар. Бугун аёллар яшил майдонда тўп суришмоқда, рингга

⁴⁶ Ислом КАРИМОВ. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил 8 декабрь, №238 (5405)

⁴⁷ Комилов Н. Тасаввуф. 1-китоб. Т., “Ёзувчи”, 1996, 48-бет.

чиқиб муштлишишмоқда, кеч оқшомгача «Юмшоқ жўжалар»да, шовқинли «компания»ларда «гап» ейишмоқда. Ишда, кўча-куй ва бозорларда эркаклар билан «эркакчасига» гап талашадиган ва албатта, «ютиб чиқувчи» аёллар сафи ўсиб бормоқда. Шу билан бирга, улар ўзларига нисбатан худди аёлга каби муносабатни талаб қилишади! Ахир, қандай қилиб? Ўзлари буткул ўзгариб кетишган-ку?»⁴⁸

«Кичик» бир мисол: азалдан «иболи», «хаёли», «онаси ўпмаган», «қоғозга ўралган қанддек» дея таърифланган ўзбек қизларининг тор шим ва киндиги очик майкалар кийиб юришларига кўзлар кўникди. Келинлар, жувонлар ҳатто кампирларгача шу тариқа «замонавийлик»ка интилишмоқда...

Аёлларнинг ана шундай «модний» кийимларда жамоат жойларида юришлари ҳозир айб саналмайди. Нисбатан яқиндагина (20–30 йиллар бурун) бундай аҳвол ўзбеклар учун беҳаёлик ва бепардалиқ ҳисобланар эди. «Кўз зиноси» деган гап бор. Аввал кўзлар беҳаёликка ўрганади, кейин эса фикр бузилади. Ҳадисларда ёзилишича, «Бегона аёлга назар ташлаш иблиснинг заҳарли ўқларидан биридир».

Номуносиб жуфтликлар ва охир-оқибат – ажралишлар инсонлар фожеаси бўлибгина қолмай, жамият учун ҳам катта муаммолардан саналади.

Ажримлар ва нотинч оилалар бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бўлиб турибди. Тўғри, мустақиллик йилларида ажримлар кўрсаткичи 1,5 баробар камайган бўлса-да, унинг асорати доимо хавф солиб туради. Охирги йиллардаги статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, йилига ўртача 16-17 минг никоҳ бекор қилинди. Мисол учун, 2009 йилда жами 272089 та никоҳ қайд этилган бўлса, шу йилнинг ўзида ФХДЁ идоралари орқали 5253 та никоҳ бекор қилинган. Бу рақамга суд идоралари орқали бекор қилинган никоҳлар сони қўшилса, республикада истиқомат қилаётган ҳар минг аҳолига 0,7 кўрсаткични ташкил этади. Агар ажримларни, яъни ажрашиб кетаётган эркак ва аёлларни ёшига кўра таҳлил

⁴⁸ Б.Ҳайдаров. «Инсоннома». Т.: «Вектор-пресс», 2011 й. 92-бет.

килсак, энг кўп ажрим 20-35 ёшни беради. Бу асосан, оилавий турмушнинг биринчи 4 йили (35,5%) ва 5-9 йиллари демакдир. Ажрим туфайли ҳар бир нотўлиқ оилада ўртача 2-3 та бола қолади. Тўғри, айрим аёллар иккинчи никоҳга киради, маълум маънода кимнингдир ёрдамида шу болага тўлақонли тарбия беришга интилади. Лекин, бу кўрсаткич жами аёлларнинг 4,5 фоизини ташкил этади, шаҳарда бу кўрсаткич 7,3% ни ташкил этади, холос. 2009 йил ҳисоби бўйича ёлғиз оналар сони 20826 тани ташкил этиб, туғилиш 655100 тага етган. Демак, турмуш ўртоғидан айрилгач, она болалар тарбияси, рўзгорни юритиш каби катта маъсулиятни мустақил равишда ўз зиммасига олишга мажбур.

Хўш, оилаларнинг ажралишига нима сабаб бўлади?

Республика «Оила» илмий-амалий маркази томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижасида ҳозирги пайтда оилаларнинг ажралиб кетиши сабаблари ўрганиб чиқилди. Ушбу сабаблардан энг кўп қайд этилаётгани эса, эр-хотин дунёқарашининг бир-бирига мос келмаслигидир. Бундан ташқари, улар орасида иқтисодий муаммолар, гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка берилиш, ўзаро ҳурмат йуқолганлиги, қайнона-келин ўртасидаги зиддиятлар ҳам бор. Хўш, ёшларни оилага тайёрлаб бориш учун нима қилмоқ керак? Энг аввало, фарзанд тарбиясига эътиборни кучайтириш керак. Ёш авлодга болалигиданоқ ота-оналарнинг назоратини кучайтириш лозим. Бундан ташқари, ота-оналарда бола тарбияси, оилавий турмуш ҳақидаги билимлар етарлича бўлиши талаб этилади.

Бунга қўшимча қилиб, оилада ҳуқуқий маданиятни ҳам шакллантириш керак бўлади. Оиланинг ҳар бир аъзосини қонунларга итоаткорлик руҳида тарбиялаш, қонунга нисбатан ҳурмат туйғусини шакллантириш орқали ҳар-хил нисбий тушунчалардан холи бўлишимиз мумкин. Лекин биз айна дамда бу даражага эришганмиз дея олмаймиз. Сабаб, оилаларда турли ҳуқуқий низолар бўлиб турибди. Аниқлик киритиш мақсадида вилоятларда қуйидаги сўровнома ўтказилди:

“Бугунги кунда оилаларда қандай ҳуқуқий низолар учраб туради?”

Т.Р	Вариантлар	Тошкент шаҳри	Самарқанд шаҳри	Наманган шаҳри	Навоий шаҳри	Вилоятлар
1	Уй-жой можароси	25,2	17,4	35,1	24	25,4
2	Мерос талашиш	16,6	12	24,7	12	16,3
3	Мулкый можаролар	16,6	14	13,8	30	18,6
4	Ажралиш (эр-хотин низоси)	33,3	27,3	20,7	17,4	24,7
5	Билмайман	8,3	29,3	5,7	16,6	15,0
6	Фоиз	100	100	100	100	100

Тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, оилаларда асосан уй-жой можароси ва ажралиш каби низоли ҳолатлар кўпроқ учрар экан. Албатта, уй-жой можароси, мерос талашиш ҳамда мулкый низолар фуқаролик қонунчилигига боғлиқ масалалардир. Фуқаролар ушбу қонунчиликдан беҳабар эканликларидан оилада бундай низолар содир этилишига йўл кўядилар.

Ҳозирги кунда оила мустаҳкамлиги масаласи долзарб вазифалардан бирига айланмоқда. Чунки ҳаётнинг турли синовлари ва имтихонлари олдида ожиз ёш оилаларда ажралишлар сони кўпаймоқда. Бунинг натижасида ҳозирги даврда нотўлиқ оилалар сони ортиб бормоқда. Социологик маълумотларга қараганда балоғатга етмаган жиноятчиларнинг 61 фоизини нотўлиқ оилада ўсган ўсмирлар содир қилмоқдалар. Албатта бу каби ҳолатларнинг сабабларини аниқлаш ва бартараф қилиш муҳим илмий муаммо бўлиб келмоқда.

Оила муқаддас даргоҳ. Оилавий муносабатлар ҳамма даврлар учун муҳим ҳисобланади. Ҳар бир инсон умрининг кўп вақти оилада ўтади. Ўзингизни эркин ҳис қиладиган, хотиржамлик топадиган жойингиз ҳам айнан шу маскан ҳисобланади. Афсус билан айтиш мумкинки, баъзан бунинг акси бўлади. Оилада ўзаро муносабатларнинг бузилиш, эр-хотиннинг бир-

бирини тушунмаслиги ажралишларга сабаб бўлмоқда. Бу эса қанчадан-қанча норасида гўдаклар ота ёки она меҳрига зор бўлиб, етимлик тўнини киймоқда. Албатта, жамият ҳам бундан катта зарар кўради.

Ҳозирги кунда Ғарб мамлакатларида оилага муносабат ёмон томонга ўзгариб кетган, ҳамда оила бобида бир қанча бузилишлар мавжуд:

* оила қурмай якка-ёлғиз яшашга интилиш кучли. Маълумотларга кўра, жаҳон бўйича америкаликлар бу соҳада ҳам пешқадам эканлар. Эркакнинг ёки аёлнинг оила қуришдан бўйин товлаб, ёлғиз яшаши ҳам оқибатда жамиятни жар ёқасига келтириб қўяди. Танҳо яшовчи одамнинг (у ҳоҳ эркак, ҳоҳ аёл бўлсин) ҳаёти қанчалик яхши таъминланганидан қатъий назар қашшоқликдан иборатдир.

Бугунги Россияда катта ёшли фуқароларнинг 53 фоизи оиласиз, ҳатто доимий «ҳамхона»сиз, ёлғиз яшашмоқда⁴⁹.

* биз томонларда оила бузиладиган бўлса, эр талоқ қилади ёки хотинни эри ташлаб кетади. Европада эса бунинг акси: эрни хотин ташлаб кетади. Хотин эрни нима учун ташлайди? Севмай қолгани учун. Уларда севиб қолиш ҳам осон, севгидан айниш ҳам осон. Хотинга бошқа эркак ёқиб қолса, эрига “Ранжимагин, мен бошқани севиб қолдим”, деб кетаверади. Бу ўринда оила фақат бузуқлик туфайли бузилади.

Яқинда бемахсул келин қидиришлар жонига теккан британиялик бир математик ҳисоблаб кўрса, мамлакатдаги 30 миллион ёлғиз аёлдан атиги... 26 нафари унинг «кўнглига мос» экан. Бу дегани, шўрликнинг ўз бахтини топиш эҳтимоли 285.000 дан 1 га тенг!⁵⁰

Бунга ким айбдор? Эркакми, аёлми? – Бунга бугунги турмуш тарзи айбдор, – дейишмоқда олимлар. Замонавий дунёда оилани рағбатлантирувчи омиллар йўқолиб бормоқда. Илгари оиласи қанча катта, хеш-ақрабо, қариндош-уруғи қанчалик кўп бўлса, одамлар ўзларини шунча хавфсиз ва хотиржам ҳис этганлар. Бундан ташқари дин ва маданият ҳам оилага

⁴⁹ «Рожай или проиграешь...» «Аргументы и факты» газетаси. 2010 йил, 7-сон.

⁵⁰ Ўша мақола.

хайрихоҳ муносабатда бўлган. Замонавий жамиятда эса одам ёлғиз яшаб, ўзини тўлиқ таъминлаш имкониятига эга. Қолаверса, ёлғиз ҳаёт кечириш бундан 300 йил илгарига қараганда анча хавфсиз бўлиб қолди. Ажралиш учун Рим Папаси ёки подшоҳдан рухсат сўраш таомили ҳам аллақачон унутилган. Оила қуриб, «бош оғритиб» юргандан кўра, бугун аёл(лар) оғушидан баҳраманд бўлишнинг турфа йўллари мавжуд... Тўғри, сўққабошлар ўзларига муносиб жуфт топилмаётганидан нолийдилар. Лекин яқиндан гаплашилса, уларга айнан мана шундай яшаш тарзи маъқул эканлиги аён бўлади.

Биринчи ҳолат ҳам, иккинчиси ҳам юқумли хасталикка ўхшайди. Тез тарқалади, давоси эса ғоят мушкул. Оқибат эса миллатнинг йўқ бўлиб кетишигача олиб бориши ҳеч гап эмас.

СТАТИСТИКА

Ер юзида отасиз ўсаётган болаларнинг аниқ рақамини топиш жуда мушкул. Биргина Эстонияда 40.000 нафар бола отасиз ўсмоқда. Унча катта бўлмаган бир мамлакат миқёсида шунча бўлса, дунё бўйича бу кўрсаткични тасаввур қилиш мумкин.

- Европа Иттифоқи, Литва, Испания, Хорватия, Исландия ва Россияда ёлғиз оналар кўпайиб бормоқда.
- Ҳар йили бир ярим миллионга яқин бола ота-онасининг ажралишувини бошдан кечиради.
- Ажралишдан сўнг болаларнинг 98 % и онаси билан (мусулмон давлатларида отаси билан) қолади.
- Ажралган аёлларнинг деярли ярми фарзандининг отаси билан кўришишига тўсқинлик қилади.
- Кўп ҳолларда оталарнинг фарзандига бўлган ҳақ-ҳуқуқлари бузилмоқда.

Отасиз ўсган болалар орасида...

- Ўз жонига қасд қилиш 5 баробар;
- Уйдан қочиб кетиш 35 марта;

- Мактабни тугатмай, ташлаб кетиш ҳоллари 9 маротаба;
- Гиёҳванд ва ичувчи бўлиш эҳтимоли 10 баробар юқори бўлади⁵¹.

Ота қандай бўлиши керак?

- Кўпгина қизлар отасига ўхшаган турмуш ўртоқ учрашини орзу қилишиади. Чунки отаси уларнинг идеалидаги эркак бўлади.
- Ота ўзи ва иши билан фарзандлари учун “авторитет” бўлиши шарт.
- Отанинг фарзанд тарбиясидаги қуроли уриш-сўкиш эмас, балки биргина нигоҳи бўлсин⁵².

3.2. Мустаҳкам оила қуриш ва баркамол авлодни тарбиялашда катта авлод вакилларининг тажрибаси – ўрнак намунаси.

Ҳеч кимга сир эмас, бу дунёда ҳам қайси инсон вояга етиб, касб-хунарга эга бўлиб, ҳаётда ўз ўрни ва келажагини аниқлаб, оила қуришни истайди. Онгли яшайдиган ҳар бир одам яхши англайдики, бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, ҳаёт абадийлиги, бебаҳо неъмат бўлмиш фарзанд бор. Фарзанд бор экан, одамзод ҳамиша келажагини ўйлаб, эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди.⁵³

Ислом КАРИМОВ

Оила – жамиятнинг ажралмас, энг муҳим бўғини, унинг негизи ва таянчидир. Тарбия, инсонийлик, юксак маънавият, меҳр-оқибат каби эзгу фазилатлар энг аввало, оилада шаклланади. Жамият ва давлатимиз мустаҳкам бўлиши учун оилаларимизни мустаҳкамлашимиз керак.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов, 2012-йилни “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилар эканлар: “Оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарор” бўлишини алоҳида

⁵¹ Б.Хайдаров. “Инсоннома”. Т.: “Вектор-пресс”, 2011 й. 105-бет.

⁵² “Ота – уйнинг устун”. “Бекажон” газетаси, 08\04\2010 й. 27-сон.

⁵³ Ислом КАРИМОВ. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил 8 декабрь, №238 (5405)

таъкидлагандилар. Бунинг остида нақадар улкан маъно ва мақсадлар ётади. Чунки, оилалар мустаҳкам бўлсагина, ҳаётимиз фаровон бўлади. Бизга ҳар қандай неъмат берилса ҳам, агар оиламиз мустаҳкам бўлмаса, ҳеч қачон ўзимизни бахтли ҳис қилолмаймиз. Оилаларнинг мустаҳкам бўлиши келажак авлод тарбиясига ҳам жуда катта ижобий таъсир кўрсатади. Ҳар тарафлама мустаҳкам бўлган оиладан, энг ақлли, ватанпарвар, жасур ва хуснихулк соҳиблари етишиб чиқиши шубҳасиздир.

Ана шундай юксак фазилатларга эга бўлган баркамол авлод тарбияси ҳақида сўзлаб, Президентимиз Ислом Каримов: “Мен замонавий фикрлайдиган, Ватанга садоқат руҳида тарбия олаётган, жаҳон тараққиёти ва маданияти билан ҳамқадам бўлишга интилаётган юз минглаб ёшларимиз билан фахрланаман”, дея таъкидлайдилар⁵⁴.

Юртбошимиз шунингдек, ўз маърузасида халқаро ҳамжамият ва тараққий топган мамлакатлар қаторимга кўтарилиш учун ҳаракат қилаётган жамият, биринчи навбатда, бугун униб-ўсиб келаётган фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улуғ, керак бўлса энг муқаддас мақсад деб билади, дея эътироф этади:

“Ёшларимиз жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун, ўз тафаккурларида чуқур ислоҳот ўтказишлари лозим. Бу мустақил юрт фарзанди учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлган вазифадир. Ёшлар маънавий дунёқарашини шакллантиришда маънавий мерос, маданий бойликлар, тарихий ва маданий ёдгорликлар муҳим ўрин эгаллайди. Зеро, – деб уқтиради Ислом Каримов. – биз жамиятимиз тараққиётини фақатгина иқтисодий, ижтимоий фаровонлик билангина эмас, халқимизнинг маънавий баркамоллиги, демократик ва инсонпарварлик тамойилларининг кишилар онгида нечоғлик чуқур илдиз отиши билан боғлаймиз”⁵⁵.

Агарки иқтисодий ўсиш, тараққиёт – жамиятимизнинг танаси бўлса, маънавият-маърифат ва сиёсий онг етуқлиги унинг руҳи, ақли ва жонидир.

⁵⁴ Ислом КАРИМОВ. 2010 йил – Баркамол авлод йили муносабати билан сўзлаган нуткидан // “Халқ сўзи” 2009 йил 14 декабрь.

⁵⁵ Ислом КАРИМОВ. Келажакни жасоратли одамлар куради // “Халқ сўзи”, 1999 йил 17 февраль.

Буюк давлат, буюк келажагимизга эришиш учун оқил, маърифатли, айна пайтда ўзининг ўтмиши, улуғ қадриятлари миллати билан фахрланадиган ва келажакка ишонадиган инсонларни тарбиялашимиз керак⁵⁶.

Инсон онги ва қалби учун кураш тарихан турли шаклларда инсоният ҳаётидан ўрин эгаллаб келган. Ҳозирги давр мафкуравий таҳдидларнинг кучайиб бораётгани, турли оқимлар ва кучлар томонидан ғаразли мақсадлар йўлида амалга оширилаётган, жамият маънавий барқарорлигига салбий таъсир этадиган мафкуравий хуружларнинг юзага келаётгани билан характерланади. Бундай жараёнлар мустақил тараққиёт йўлига чиққан янги давлатларнинг ҳаётида ҳам ўзига хос тарзда акс этмоқда. Шу боис "... ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзлигимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хил хуружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилишлар тобора кучайиб бораётгани барчамизни янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга даъват этиши табиийдир"⁵⁷.

Юртимизда "Соғлом она – соғлом бола" ақидасига амал қилган ҳолда, аёлларнинг соғлиғига катта эътибор берилмоқда. Бу эътиборнинг яққол намунаси сифатида "Фонд Форум" томонидан жуда кўплаб тадбирларни, шу жумладан, "Ҳаёт учун!" марафони ўтказилаётганини эслаш ўринли. Ушбу марафон кўкрак беги саратони билан касалланган аёлларга маънавий ва моддий кўмак сифатида ўтказилади.

Шунингдек, оилалар ўртасида ўтказиладиган мусобақалар, "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси томонидан "Мустаҳкам оила йили"га бағишлаб ўтказилган "Соғлом оила – жамият таянчи" оилавий мусобақаси, "Барчиной" спорт мусобақалари, "Умид ниҳоллари", "Универсиада" ўйин мусобақалари юртимизда мустаҳкам Оилага бўлган эътибор нафақат 2012 йилда, балки, мустақилликка эришган илк кунлардан бошланганини билдиради.

⁵⁶ Ислоҳ КАРИМОВ. Илм-фан мамлакат тараққиётига хизмат қилсин // Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. – Тошкент: "Ўзбекистон", 1996. – Б. 261.

⁵⁷ Ислоҳ КАРИМОВ. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б. 29.

Оила пойдеворининг мустаҳкамлиги – жамият пойдеворини пухта қилиб қуришнинг асосий шартидир, унинг моддий ва маънавий баркамоллиги эса давлат ва жамият фаровонлигининг асосидир. Оилада ҳаётнинг давомийлигини таъминловчи авлод шаклланади, миллий урф-одатлар ва маънавий қадриятлар асраб-авайланади, жамият тараққиётига асос солинади. Шу боис мамлакатимизда оила фаровонлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мухтарам Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида “Оила бор экан, ҳаёт абадийлиги, бебаҳо неъмат бўлмиш фарзанд бор. Фарзанд бор экан, одамзод ҳамиша келажакни ўйлаб, эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди”, – деб, оилани инсоният асоси эканлигини қайд этадилар. Мустақиллик шарофати туфайлигина, оила ва уни такомиллаштириш масаласига алоҳида давлат сиёсати сифатида эътибор берилмоқда.

Мадомики, оила жамиятнинг негизини ташкил қилар экан, уни давлатимизнинг илдизи деб тушунамиз, давлатни эса катта бир оила деб тасаввур қилиш лозим.

Демак, ҳар бир киши давлат ва жамият ривожига хизмат қилиши, одамларга нафи тегадиган эзгу ишларни амалга ошириши учун аввало, унинг оиласи тинч ва фаровон бўлиши керак. Зеро, оилалар мустаҳкамлиги – жамият мустаҳкамлигининг гаровидир. Шу боис Ўзбекистонда энг аввало, ёш оилаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга катта аҳамият берилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки эндигина мустақил ҳаётга қадам қўйган ёшларнинг турмуши, ҳаёти, эртага қандай бўлиши атрофдагилар ва жамиятнинг эътиборига боғлиқ.

Оила мустаҳкамлигини таъминловчи омилларнинг ифодасини қуйидагича тасвирлаш мумкин:

Иқтисодий омиллар:

- оиланинг иқтисодий жиҳатдан таъминланганлиги;

- оила аъзоларининг иш билан таъминланганлиги;
- тадбиркорликдан олинадиган даромаднинг умумий оила даромадидаги ҳиссаси;
- оила эҳтиёжини қондирувчи моддий-техника ва зарурий жиҳозлар билан таъминланганлик даражаси;
- оилаларнинг зарур хизматлар билан таъминланганлиги.

Оиланинг маънавий олами ва саломатлиги билан боғлиқ омилларга қуйидагилар киради:

- оила аъзоларида сабр-қаноатнинг мавжудлиги;
- оилада аъзоларининг саломатлиги;
- оила аъзолари ўртасида меҳр-муҳаббатнинг мавжудлиги;
- оила аъзоларининг бир-бирини тушуниши ва кечиримлилиги;
- оила аъзолари орзу-истакларининг босқичма-босқич ушалиб бориши;
- оилавий хотиржамликнинг барқарорлиги.
- Оилада фарзанднинг камолоти учун тарбия муҳим аҳамиятга эга. Ота-она ва бошқа тарбия учун масъулларнинг савиясига боғлиқдир.
- оилада кашандалик ва гиёҳвандликнинг йўқлиги;
- оила аъзоларининг ҳамжиҳатлиги;
- оила аъзоларининг меҳмондўстлиги;
- оилада ичкиликбозликнинг одат тусига кирмаганлиги;
- оила аъзоларининг тарбияланганлик даражаси.

Оилаларнинг мустаҳкамлиги давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатига ҳам бевосита боғлиқ. Масалан:

- оилада амалга ошириладиган тарбия билан боғлиқ омиллар;
- мамлакатда тинчликнинг таъминланганлиги;
- мамлакатда инсонпарвар иқтисодий сиёсатнинг олиб борилиши;
- инсонпарвар қонунларнинг мавжудлиги ва қонун устуворлигининг таъминланганлиги.

Демак, шунчаки оилалар эмас, балки **бахтли ва мустаҳкам оилалар** аксарият кўпчиликини ташкил қилсагина, давлат ва жамият мустаҳкам бўлади. Оила мустаҳкамлигининг омиллари эса юқорида санаб ўтилди.

Ривоят қилишларича, бир хонадонда бир эркак хотини, нуроний отаси ҳамда бир ўғил ва бир қиз фарзандлари билан бир оила бўлиб истиқомат қилишар экан. Бир куни тунда уйининг эшиги тақиллабди. Уй соҳиби эшикни очиб қараса, уч киши қиёфасида Бахт, Давлат ва Соғлик турган эмиш.

– Бизга бир кунга тунашга жой беринг, – деб сўрашибди улар.

Уй эгаси ўйланиб қолибди.

– Бизнинг уйда фақат бир кишига етарли жой бор, – дебди у. – Аммо қай бирингизни киритишни билмайман. Рухсат берсангиз, уйдагилар билан маслаҳатлашиб олай.

Уй соҳиби кириб, уйдагиларга маслаҳат солибди.

– Бахтни киритайлик, – дебди қиз. – Ахир бахтли бўлганга нима етсин.

– Йук, давлатни киритганимиз маъкул. – дебди ўғил. – Давлатинг бўлса, кўлинг ҳам узун бўлади.

Уй эгаси боядан бери ўйланиб отасига юзланибди:

– Сиз нима дейсиз, ота?

– Соғлиқни кирит, болам. Соғлигинг бўлмаса бахт ҳам, давлат ҳам татимайди.

Уй соҳиби ташқарига чиқиб Соғлиқни таклиф қилган экан, уч киши ҳам барабар эшикдан ёпирилиб киришибди.

– Мен фақат бир кишини таклиф қилдим-ку, – ҳайрон бўлибди уй эгаси.

Шунда, уч йўловчи бирваракайига жавоб беришибди:

– Соғлик бор жойда бахт ҳам, давлат ҳам бўлади. Биз соғлик билан бирга юрамиз.

Бу ривоятдан келиб чиқувчи хулосани жамиятга нисбатан ҳам тадбиқ этиш мумкин.

Чунки, оила ҳам кичик бир давлат, жамиятнинг ўзаги ва пойдевори.

Эркин ва демократик жамият куриш йўлида дадил одимлаётган буюк мамлакатимизда оилани мустаҳкамлашга қаратилган эзгу ғоя ва ташаббуслар замирида улкан мазмун-моҳият мужассам. Зеро, бугун Ер юзида турлича қарашлар ва муносабатлар пайдо бўлмоқдаки, уларнинг аксарияти бузғунчиликка йўғрилган. Моддий манфаатдорликни ҳамма нарсадан устун қўядиган, ҳар бир дақиқани пулга чақадиган одамлар, ҳатто, мамлакату жамиятлар ҳам йўқ эмас. Бундай қарашлар эса, табиийки, ёшлар тарбияси маънавиятига салбий таъсир ўтказмоқда. Ҳаммамиз кўриб, билиб турибмизки, айрим Ғарб мамлакатларида битта жинс вакиллариининг “оила куриши”, ўн беш-ўн олти ёшдан ўтиб-ўтмаган қизларнинг чекиш, ичишга ружу қўйиши, мактаб ёшидаги йигитчаларнинг махсус колонияларда “ахлоқий тузалиши” авж олмоқда.

Оила – дунёдаги барча халқлар учун умумий қадрият саналса-да, аммо унга муносабат турлича. Оилани бири-зурриётни давом эттириш воситаси деб қараса, иккинчиси эркин муҳаббат деб қарайди, учинчиси мулкый муносабатни ифода этадиган эр-хотин иттифоқи, яна бири кўпайиш, яратиш, яшашнинг макони сифатида қарайди. Биз бундай ҳолатга дуч келиш у ёқда турсин, бу ҳақда эшитганда ҳам сесканиб, ёқасига туфлаб қўядиган халқмиз.

Мамлакатимизда турли миллат ва элатларнинг аҳил-иноқ яшаётгани, тинчлик ва хотиржамлик, осойишталик, эришаётган ютуқларимиз – оилалардаги соғлом маънавий муҳит туфайлидир. Ўзбек оиласи барча эзгу, инсоний фазилатларни ўзида мужассам этган тарбия масканидир. Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганларидек: “Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла-юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради”.

Биз ҳаётимизда оламшумул воқеалар гувоҳи бўлмоқдамиз. Шарқ ўз урф-одатларини, анъаналарини, қадриятларини ва шулар ичида энг нозик

бўлмиш тарбия тамойилларини ҳам асримиз талаблари даражасида тиклаш жараёнини бошидан кечирмоқда.

Биздаги шарқона оилада 70 йиллик европалаштириш жараёни барҳам топиб, у ўзининг Ғарб оила тушунчасидан ўтган исканжа даврида ҳам ва ҳозирги кунда ҳам фалсафий маънодаги устунлигини исбот қилмоқда. Бунга ўзимизга хос бўлган оила руҳи, ундаги фарзанд тарбия қилиш анъаналари катта ижобий таъсир кўрсатади.

Оилаларимизнинг мустаҳкамлиги, руҳан соғлом ва мўътадиллигининг асосий сабабларидан бири авлодлар силсиласининг, оиладаги тарбия анъаналарининг қадрият сифатида унутилмаслиги эканлиги аён бўлмоқда. Демак, оила руҳий муҳитига жиддий таъсир қилувчи омиллардан бири оилалардаги авлодларнинг ўзаро, ота-оналарнинг болаларга, болаларнинг ота-оналарга нисбатан муносабатини жиддий инобатга олиш экан.

Биз ҳаммамиз она қорнидалигимиздан бошлаб оила аъзосига айланамиз. Чунки айнан бизни ҳисобга олиб онамизга у пайтларда оғир жисмоний иш қилишга ижозат беришмайди, уларнинг кўнгли истаган нарсани топиб берадилар, овлоқ қолдиришмайди ва ҳоказо.... Айни шуларнинг ўзи эса оилада бола тарбияси бошланди, деган маънони беради.

Замонавий тадқиқотлардан маълум бўлишича, агар қизалоқ ёшлигидан отаси билан яхши муносабатда улғайса, келгусида ташқи кўриниши ва феъл-атвори отасига ўхшаган йигитни қайлиқ сифатида танлашга мойил бўлар экан.

Фақат маънавият кучли оилагагина руҳий муҳит соғлом бўлади. Оила аъзоларида бир-бирларига ҳурмат, ўзаро ҳамдамлик ва ҳамжиҳатлик қанчалик кучли бўлса, истак ва иштиёқларида муҳаббат устиворлик қилса, оилавий руҳий муҳит соғломлашиб боради. Аммо маънавиятга дарз кетар экан (бу ҳол ниҳоятда кўпқиррали ва кўп кўринишли бўлади), оила руҳий муҳити инқироз томонга юз тутаяди.

Глобаллашув жараёнларининг фаоллашуви, маънавият ва ахлоқий тарбияда ғарб маънавиятига хос бўлган индивидуализмнинг кучайиши

ҳаётимизнинг барча жабҳаларига ва айниқса оила муҳитига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Дарҳақиқат, оила барча ислоҳотлар, ўзгаришлар, таназзул ва тараққиётларнинг ибтидоси ва интиҳоси ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг эртанги порлоқ истиқболини таъминлашда бошқа ижтимоий институтлар билан бир қаторда оила омилига ҳам катта эътибор қаратилаётганлиги барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиғи ҳам шундан иборатдир. Ёш авлод онги, шуури ва маънавиятида Ватан туйғусини мустаҳкам қарор топтириш иши халқимиз учун азалдан долзарб вазифа саналади. Зеро, оилага садоқат, ота-онага оқибат, ака-укаларга меҳр – Ватан туйғусининг дебочаларидир. Оилага самимий садоқат бўлмаган жойда ота-онага нисбатан ҳурмат туйғуси ҳам суст бўлади. Бундай ҳолатда на қариндошларга, на маҳаллага ва на ватанга муҳаббат таркиб топади.

Оила – Ватан ичидаги Ватанимиздир аслида. Оила – кичик бир мамлакат. Унинг муҳофазаси эса, давлат ҳимоясидадир. Ҳукукий демократик давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида оила алоҳида муҳим функцияларни бажаради. Энг аввало, у комил инсонни камол топтиради, ижтимоий қадриятлар ва миллий анъаналарни авлоддан-авлодга ўтказишда асосий занжир вазифасини ўтайди. Ҳар бир инсон оила бағрида камол топади. Шундай экан, оилада фарзанд тарбияси, айниқса, вояга етмаганлар тарбияси муҳим саналади.

Оилавий муҳаббат – одамлар орасида кенг тарқалган, энг мустаҳкам муҳаббатдир. Шунинг учун ҳам у кишилар ҳаётига таъсир кўрсатиш жиҳатидан катта аҳамиятга эга. Ўз уйида бахтли бўлган кишигина чинакам бахтлидир. Хароб уйдаги бахтсиз одамлардан ташкил топган жамиятнинг ҳалокатга маҳкумлиги шундан келиб чиқади. Ҳар бир инсоннинг оила олдида масъулияти бор. Зеро, ҳар бир инсон учун оила – бу умрнинг бошланиши, барча нарсаларнинг муқаддимасидир. Қолаверса, ҳар бир инсон ўз бахти ва саодатини энг аввало оиласи билан боғлайди, яъни, ўз уйи, оиласида бахтли бўлган инсонгина ўзини тўлақонли бахтиёр хис этади. Шу боис ҳам инсон

манфаатлари олий қадрият сифатида эътироф этилган мамлакатимизда олиб борилаётган одилона сиёсат ҳар томонлама ушбу муқаддас гўшани мустаҳкамлашга қаратилгандир.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида оила мустаҳкамлиги учун бекиёс ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Эзгуликка хизмат қиладиган, дунёнинг ҳеч бир мамлакатида учрамайдиган бундай тамойил эса юртимизда ҳар бир кишини, ҳар бир оилани фароғатда яшаш саодатига ундамоқда. Оилани мустаҳкамлаш, унинг қадриятларини асраш, соғлом муносабатлар муҳитини яратиш, ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

ХУЛОСА

Ушбу тадқиқотда оила қадриятлари, оилада катта авлод вакилларининг ўрни ва роли, муқаддас битикларда ва Шарқ мутафаккирларининг маънавий меросида оила ҳамда фарзанд тарбиясига оид қайдлар, бугунги кунда оила ва фарзанд тарбияси борасидаги долзарб вазифалар ҳақида фикр юритилди.

Миллий тарбия масаласи, айниқса глобаллашув жараёнлари кенгайиб, “Оммавий маданият” таҳдиди кучайиб бораётган бугунги кунда биз учун Абдулла Авлоний ҳазратлари ёзганлари каби, биз учун доимо “...ё ҳаёт, ё мамот...” масаласи бўлиб қолаверади. Авлоний яна шундай ёзганлар: “Боланинг саломати ва саодати учун яхши тарбия қилмак – танини пок тутмак, ёш вақтидан маслакини тузатмак, яхши хулқларни ўргатмак, ёмон хулқлардан сақлаб ўсдурмакдир. Тарбия қилувчилар табиб кабидурки, табиб хастанинг баданидаги касалига даво қилгани каби тарбияни боланинг вужудидаги жаҳл маразига “яхши хулқ” деган давони ичидан, «поклик» деган давони устидан беруб, катта қилмак лозимдур. Зероки, «Ҳассину ахлоқакум» амри шарифи узра хулқимизни тузатмакка амр ўлинганмиз. Лекин хулқимизнинг яхши бўлишининг асосий панжаси тарбиядур... Ҳукамолардан бири: «Ҳар бир миллатнинг саодати, давлатларнинг тинч ва роҳати ёшларнинг яхши тарбиясига боғлидур», – демиш. Шариати исломияда ўз болаларини яхшилаб тарбия қилмак – оталарга фарзи айн, ўз миллатининг етим қолган болаларини тарбия қилмак фарзи кифоядир...»

(“Фарзи айн” – барчага баб-баравар буюрилган мажбуриятдир. Яъни, фарзандини тарбия этишга ҳар бир ота мажбурдир. Ҳатто, эр-хотин ажралишганда ҳам ота зиммасидаги тарбия вазифаси сақланиб қолади. “Фарзи кифоя” – маълум вазифани мусулмонлар ичидан бирор кишининг бажаришидир. Масалан, имконияти бор оилалар етимларни боқиб олишса савоб бўлади. Бу юмушни бажаришга барча мажбур эмас.)

Мазкур фикрларни яхшилаб англаш учун тарихга мурожаат қилайлик: ўтмишда диёримизда бир неча марта кучли-кучли давлатлар қад ростлаган ва кўп ўтмай нураб, яксон бўлган. Минг афсуски, давлатларнинг йўқ бўлишига

ташқи душманларнинг зарбаси эмас, кўпроқ ички низолар сабаб эди. Хусусан, кучли салтанатларнинг тарихини эслайлик. Дунёни лол қолдирган салтанатларнинг емирилишига шахзодаларнинг яхши тарбия кўрмаганлари сабабдир, десак, янглишмаймиз.

Энди бизларни бир масала ўйлантиради: тарбиячи ким? Ота-онами, мактаб муаллимларими? Шу ўринда атоқли адибимиз, Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Тохир Маликнинг ёшлар билан учрашувда айтган фикрларини келтириш ўринли, деб ҳисоблаймиз: “Билайликки, бола «Сен тарбиялашинг керак», деб гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа оширадиган копток эмас. Фарзанд тарбиясига ота-она масъул, мактаб эса бу соҳада кўмакчи. Ҳа, айнан шундай. Чунки фарзанднинг оилада олган тарбиясига қараб ота-онасига роҳат ёки жазо келтиришини ҳамма билади. Отанинг иш-амали фарзандига сингса, унинг хулқида жилвагар бўлади. Болани тергаб-назорат қилиш ота-она юзининг ёруғлигини таъминлайди. Тарбиядан ташқаридаги бола бебош ва ярамаслик сари оғади. Эрка бўлиб ўсган ўғил-қизлар ҳатти-ҳаракати ота-онага мунг ва алам келтиради.

Афсусларким, айримларимизнинг кўнгилларимиз кўчага боғланган. Чойхоналарда, ресторанларда, турли зиёфатларда яйрашга умримизнинг ҳисобсиз соатларини беҳуда сарфлаймиз. Бола тарбиясига эса вақтни қизғанамиз. Сариқ чақага арзимас матоҳларимиз фарзандларимизга нисбатан қийматлироқ. Пиёлани синдириб қўйса аямай урамиз, гулдонни синдирса дўппослаймиз. Агар ака укасини урса яна жазолаймиз. Ҳолбуки, каттанинг кичик, кучлининг кучсиз устидан ҳоким эканини ўзимизнинг айнан шу ҳаракатимиз билан ўргатыпмиз: гапга кирмаган кичикни ёки кучсизни уриш мумкин! Бола шўхлик қилса «ҳали қараб тур, дадангга айтаман», деб кўрқитамиз. Ота келганда бола ёмонланади. Айни шу ҳолатда ота-бола орасига душманлик уруғи сочилганини фаҳм этмаймиз. Отани жазоловчи инсон сифатида кўрсатмай, ота келганда уни иззат-ҳурмат билан кутиб олишни ўргатиш афзалроқ эмасмикин?

Бугун биз бола тарбияси деганда уни яхши кийинтиришни тушунапмиз, катта пул сарфлаб ўқишга киритишни англаяпмиз... Агар автомашинамиз бузилиб қолса, устахонада бир кун ёки бир ҳафта ўтиришимиз мумкин, аммо фарзандимиз билан бир соат ёнма-ён ўтириб, дарс тайёрлашга тоқатимиз етмайди.”

Ҳаёт – имтиҳон, имтиҳон бор жойда бурч, жавобгарлик, масъулият бўлади. Инсон ана шу масъулият билан дунёга келади. Барчамиз зиммасига омонат юклатилган, имтиҳонда турган инсонлармиз. Бу дунё наشاءли, аммо асл жойимиз эмас. Биз фарзандларимиз тақдири учун вужуднинг ҳар бир заррасига қадар жавобгар бўлган кишилармиз. Гўзал хулқ ва тарбияли ота ва онанинг хислатлари, яхши феъл-атвори фарзандларида ҳам намоён бўлади. Улар ҳам ота-оналарининг гўзал хислатларига эга бўладилар. Табобат фани ота-онадаги турли ички хасталиклар болада ҳам бўлишини исботлади. Ирсият фани онадаги ички хасталиклар билан бирга ундаги руҳий, маънавий жиҳатларнинг ҳам болада такрорланишини исботлаган. Бу тарбияни бола туғилмасидан олдин, ҳатто оила қурмасдан олдин бошлаш керак, дегани эмасми?

Ота ўз фарзандларига мерос этиб молу дунё эмас, одоб-ахлоқ қолдириши керак. Мол-дунё мероси кундан кун камайиб, одоб-ахлоқ мероси эса ошиб боради. Бу ривоят фикримизнинг далили:

Миср ҳукмдори билан Рум ҳукмдори ўзаро келишиб, дўстлик аҳдини туздилар ва орадаги адоватга барҳам бердилар. Ҳатто Миср ҳукмдори Рум ҳукмдорининг қизини ўғлига никоҳлаб, қизини эса Рум шаҳзодасига узатди. Уларнинг дўстлик ва қариндошлик алоқалари узоқ давом этди. Бир куни Рум ҳукмдори қудасига бу мазмундаги мактубни йўллади:

– Кўзларимизнинг нурлари бўлмиш азиз фарзандларимизнинг бизлардан кейин ҳам фароғатда яшамоқликлари учун ҳозирдан чора-тадбир кўришимиз керак. Мен ўғлим учун жуда кўп олтин жамладим. Чиройли боғ ва сарой барпо эттирдим. Сиз ҳам шундай қилгандирсиз?

Миср ҳукмдори мактубни ўқиб табассум қилди ва бу жавобни йўллади:

– Азизим, мен сиздан кўра сал бошқачароқ йўл тутдим. Вафосиз мол-дунё ва матоҳларига илтифот этмаганим туфайли ўғлимга олтину жавҳарлар эмас, илм, ҳунар, одоб, ахлоқни мерос этиб қолдиришни истадим. Уни илмли, ҳунарли, ҳуш ахлоқли қилиб тарбияладим. Уни яхши адаб либоси билан безадим. Мол-дунёга қачондир завол етади, аммо мен қолдираётган меросга ҳеч замон завол етмайди. Бу мерос фарзандимни ҳар қандай бало-офатлардан омон сақлагай...

Тарбиясиз одам – жонсиз жасад кабидир. Ота-онанинг фарзандга меҳри-муҳаббати чексиздир, чунки улар фарзандини ўз суратидан кўчирилган нусха, деб англайдилар. Зотан, халқимизда: “Қуш уясида кўрганини қилади”, деган ҳикмат бежизга айтилмаган. Фарзанд ота-онанинг бир жузви, суратда, ҳулқ-атворда уларга ўхшайди. Шунинг учун ота-она фарзандлари тарбиясига диққат қилади. Ўзлари истаган фазлу камолни фарзандларига беришга, уларни ўзларидан ҳам мукаммал инсонлар қилиб етиштиришга ғайрат қиладилар. Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг: “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт”, деган эзгу ниятларида ҳам халқимизга хос ана шундай орзу-мақсадларимиз акс этади.

Катта авлод шу мақсад йўлида ҳар қандай машаққатга бардош беради. Фарзанди ҳақида халқдан: «Тарбия қилган отасига раҳмат!» деган олқишни эшитса, севинади.

Жамиятимиз асоси бўлмиш оила институтини янада мустаҳкамлаш ва оилаларда катта авлод вакиллари ҳамда фарзандлар ўртасида ворисийлик анъаналарини кучайтириш борасида олиб борилаётган барча ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш, мустаҳкам, соғлом оилани шакллантиришга доир айрим

ТАКЛИФЛАР:

1. Гўдаклигида ота-она бағрида меҳр кўрган, эртақлар эшитган, уй юмушларига фаол жалб этилган, катта авлод вакиллари, жумладан, маҳалла кексаларининг ўғитларини тинглаган ёшлардан баркамол келажак эгалари албатта, етишиб чиқади.

Аксинча, “Меҳрибонлик уйлари”да ҳар қанча шоҳона шароитларда, меҳрибон тарбиячилар қарови остида бекаму-кўст ўсса-да, ундай боланинг кўнгли ярим, руҳияти мажруҳ бўлади. Бундай фарзандлар қалбида ранж-алам чуқур ўрнашиб қолиши, бу эса бора-бора ўзгаларга нисбатан бағритошлик, агрессия (тажовуз) каби кўринишларда юзага чиқиши эҳтимоли айниқса ачинарли ҳолдир. Шунини ҳисобга олган ҳолда, ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш, моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш, шу жумладан қулай ва шинам уй-жой билан таъминлаш, зарур имтиёз ва афзалликларни бериш лозим.

2. “Соғлом она – соғлом фарзанд” тамойилига мувофиқ оила саломатлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш. Оналарга фарзанд тарбияси учун нафақалар тўлаш ва имтиёзлар бериш тизимини жиддий такомиллаштириш зарур. Миллат аёллари ва фарзандларига сарфланган ҳар қанча сармоя келгусида албатта, ўзининг ширин меваларини беради.

3. Жамиятимизнинг маънавий негизларини, миллий қадриятлар, миллий менталитетимизни кучайиб бораётган зарарли таъсирлардан асраш борасидаги ишларни янада кучайтириш.

4. Таълим-тарбияда, хусусан оилада болани шахс сифатида, уни “ҳеч кимдан кам эмас” тарзида камол топтириш керак. Бу, бир қарашда зиддият. Масалан, болага фақат шахс сифатида қараш уни манмансирашига, бошқаларни менсимасликка олиб келиши мумкин. Аммо, миллий тарбия жараёнида болага шахс эканлигини, шу билан бирга, улуғ ўзбек халқи бошқа миллатлар олдида “ҳеч кимдан кам эмас”лигини уқтириш зарур. Ана шунда

биз одамийлигини йўқотмаган ва етук дунёқарашга эга шахсни камол топтирамиз.

Ал-Хоразмий, Улуғбек, Беруний, Навоий, Бобур ва бошқа юзлаб даҳоларимиз ҳам тўсатдан, яйдоқ бир жойда пайдо бўлгани йўқ. Улар мана шу заминда юзага келган муҳитнинг ҳосили сифатида пайдо бўлган. Маълумки, ҳосил пайдо бўлиши учун заминни озиклантириш керак. Тупроқни ўғитлаб, парвариш қилиб, шундан сўнггина дарахт экиш керак. Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганларидек, Буюк шахслар – буюк маданиятлар бағрида вояга етади.

5. Атоқли олим, педагогика фанлари доктори, профессор Муҳаммад Қуроновнинг “Миллий тарбия” номли ва бошқа китобларини ўрта мактаблар ўқув дастурига киритиш, ёш ота-оналар ўртасида ушбу китоб мутолааси бўйича танловлар уюштириш, баркамол авлод тарбиясига катта ёрдам беради, деб ҳисоблаймиз.

6. Инсонга оила билан бир қаторда маҳалланинг ҳам ўрни катта. Улуғ алломаларимизни камол топишида оилавий муҳит билан бирга маҳалладаги зиёлилар, санъаткорларнинг таъсири бўлгани маълум. Зеро, бола оилада айтилган эзгуликка даъватни чиқиб, яқинларидан кейин маҳалладошларидан излайди. Агар маҳалладан атоқли шахс чиқса – фахр, акси эса – иснод ҳисобланади. Президентимиз таъкидлаганларидек, “Маҳалла – ҳам ота, ҳам она” ҳикматли нақли бежизга айтилмаган. Албатта, урф-одатлар, анъаналар катта ўрин тутган. Шу маънода мустақиллик йилларида маҳаллага, унинг бошқарувига катта эътибор берилди. Президент маҳаллани “Кучли давлатдан – кучли жамият сари” деган тамойилнинг амалий ифодаси бўлиб, маънавий ҳаётимизни янада мустаҳкамлаш, ёш авлоднинг онгу тафаккурини замонавий асосда шакллантириш борасида муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлаганлар.

Маҳалланинг маънавий ҳаётдаги ўрнини янада мустаҳкамлаш учун маҳалла идорасига қўшимча уч хона бўлиши тавсия этилади: Бир хонада

компьютер маркази, иккинчи хонада кутубхона, учинчи хонада ўқув залини ташкил қилиш керак.

7. Бугун маҳаллаларда кутубхоналар деярли йўқ. Бу ҳолатни “ҳозир Интернет асри эканлиги”, илм олиш учун бошқа имкониятлар етарли эканлиги каби сабаблар билан изоҳлашга ҳам уринишар. Аммо, фуқароларга ўз маҳалласидаги кутубхонанинг ўрни барибир ўзгача бўлади. Маҳалла зиёлилари кутубхонани ташкил қилишда китоблардан ёрдам бериши мумкин. Лекин муайян нашрларга мунтазам обунани ташкил қилишда Республика, вилоят ва туман ташкилотларнинг иштироки зарур бўлади. Обунани ташкил қилишда ёш авлод, умуман аҳоли маънавиятига таъсир қиладиган жиддий, жумладан, “Тафаккур”, “Ўзбекистон тарихи”, “Жаҳон адабиёти” сингари журналларга эътибор қаратилиши зарур.

Кутубхонага бўлган эҳтиёжни асослаш учун яна бир мулоҳаза: Маҳаллада қариялар, бола парваришида, умуман уй бекалари бўлган аёллар бор. Айрим қарияларнинг кутубхонага бориш истаги бор-у, саломатлиги йўл қўймаслиги мумкин. Бекалар эса кутубхоналарга боришга вақт тополмас. Маълумки, айрим аёллар кўчада соатлаб гаплашиши (“гап сотиши”) мумкин. Маҳалла кутубхонасига бири кирмаса, иккинчиси кирар, иккинчиси учинчисини бошлар. Шу билан занжир ҳосил бўлади. Аста-секин ўзига хос анъана шаклланади. Балки, ёш оналаримизнинг маънавияти ҳам юксалар...

8. Ҳар бир маҳаллада муайян соҳалар бўйича етук мутахассислар бор. Ана шу мутахассислар билан ёшларнинг суҳбатларини, тўғараклар ишини ташкил қилиш зарур. Бунинг учун ўқув залидан фойдаланиши мумкин.

Бу тақлифларни маҳаллаларда синов тариқасида ўтказиб кўриш керак.

9. Бугун “оммавий маданият” ниқоби остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар мавжудлиги жуда ташвишли

холдир. Зеро, алломалардан бири айтганидек, ахлоқ тузалишдан кўра бузилишга мойилроқдир. Шунингдек, жамиятда худбинлик, лоқайдлик, кариндош-уруғчилик, маҳаллийчилик, манфаатпарастлик каби иллатлар ҳам йўқ эмас.

Президент И.Каримов бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш зарурлигини таъкидлайди.

Фикримизча, ёшларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялашда кино санъати имкониятларидан самарали фойдаланиш, айниқса, миллий сериаллар, тарихий фильмлар, мультфильмлар яратиш борасидаги ишларни янада кучайтириш даркор. Кейинги йилларда бу масалада давлат даражасига тегишли қарорлар қабул қилинди. Аммо, бу ҳали етарли эмас. Теледастурларимизда корейс, турк ва бошқа хорижий давлатларнинг сериаллари, бадиий филмлари ва мультфильмлари катта ўрин эгаллайди. Бу эса ёшларимизнинг тафаккури ва ҳаётий турмуш талабларига таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Бинобарин, ёшлар онгида маънавий қадриятларни мустаҳкамлаш борасидаги ишларни изчил давом эттириш даркор. Зеро, “Бугунги кунда одамзод маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларигагина хизмат қиладиган, олис-яқин манбалардан тарқаладиган, турли маъно-мазмундаги мафкуравий кучларнинг таъсирини доимий равишда сезиб яшайди.

Мана шундай бир вазиятда одам ўз мустақил фикрига, собит эътиқодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётий миллий қадриятларига, шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли мафкураларнинг босимига, уларнинг гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишдаги таъйиқларига бардош бериши амри маҳол”⁵⁸.

ФОЙДАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

⁵⁸ Ислом КАРИМОВ. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз.-Т.7.-Т.: “Ўзбекистон” 1999-85-86-б.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон Ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси. Халқаро илмий-амалий конференциядаги сўзи. «Халқ сўзи», 2007 йил 15 август.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2007 йил 19 март.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида». «Халқ сўзи», 2007 йил 19 май.
6. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т.1997.
7. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. -Т. "Шарқ". 1999.
8. Каримов И.А. "Туркистон" газетаси муҳбирининг саволларига жавоблари. 1999 й, 3 февраль.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: “Ўзбекистон” 1997.
10. Каримов И. А. Буюк келажак сари. -Т. 1998.
11. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.-Т. 1998.
12. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. -Т. 1994.
13. Инсон бахт учун туғилади. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг ҳикматли сўзларидан. Т.: “Шарқ”, 1998.
17. Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури -Т. 1997.

Ўқув қўлланмалар

1. А. Авлоний. Туркий гулистон ёхуд- ахлоқ. -Т. 1996.
2. А.Беруний. Руҳият ва таълим-тарбия ҳақида. -Т. 1992.
3. Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. -Т., 1996 й.
4. Кайковус. Қобуснома.-Т. 1994.

5. Мусурмонова О. Оила фаровонлиги - жамият тараққиёти мезони. “Халқ таълими” жур. 6-сон. 1998.
6. Маҳкамов У . Ахлоқ-одоб сабоқлари. -Т. 1994.
7. Одоб бўстони – ахлоқ гулистони. -Т. 1994.
8. Худойкулов Х. Ж. Одоб-ахлоқ ва тарбия дурдоналари. –Т., ТТЙМИ. 2010.
9. Махмудов Ю.Ғ. Худойкулов Х.Ж. ва бошқалар. “Миллий ғурурмаънавий комиллик мезони. ”. –Т., Джейс-пресс. 2011
10. Ёдгоров Р. Оила тарбиясида отанинг ўрни. ТошДУ тўплами. 1996.
11. Узоқов Ҳ., Ғозиев Э., Тожиев А. Оила этикаси ва психологияси. -Т., 1992.
12. Шавкат Раззоқов. Оила (Ўйланиб уйлан, уйланиб ўйлан). Т.: “Вектор-пресс”, 2010 й.
13. Ғ.Шодиев. Маънавият ва ёшлар. Т.: “Абу матбуот консалт”. 2008.
14. Ўзбек педагогикаси тарихи (қўлланма). проф. А.Зуннунов таҳрири остида. -Т.. 1997.
15. Ғайбуллаев Н. Р. Баркамоллик, маҳсулдорлик – тараққиёт калити. Т. 1995.
16. Ғайбуллаев Н. Р. ва бошқалар. Ижтимоий ислохотлар ва таълим-тарбия. Т. 1995.
17. Қайюмов А. Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино.Т. 1987.
18. Абдусамедов А.Э. Ислом дини асослари ва маънавияти. Т., 2007.
19. Ислом зиёси ўзбегим сиймосида. -Т.: Тошкент ислом Университети, 2001.
20. Ислом. Энциклопедия. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004.
21. Қуронов М. Биз англаётган ҳақиқат. Т.: “Маънавият”, 2008 й.
22. Қуронов М. Миллий тарбия. Т.: “Маънавият”, 2007 й.
23. “Жамият тараққиётида оиланинг ўрни” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Т.: 2012 й. 15 май.
24. Комилов Н. Ислом – маърифат дини. -Т., Маънавият, 2000.

25. Хожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Марказий Осиёда Ислом маданияти. Т., Шарқ зиёкори, 2005.
26. Ўзбекистон ёшларида дунёқараш уйғунлигининг шаклланиши муаммолари. -Т.: Тошкент Ислом Университети, 2004.
27. Қалтис саволларга ҳолис жавоблар. -Т., Мовароуннаҳр, 2001.
28. Б.Ҳайдаров. Сафар олдидан сафар. Т.: “Вектор-пресс”, 2008 й.
29. Б.Ҳайдаров. Инсоннома. Т.: “Вектор-пресс”, 2011 й.
30. Б.Ҳайдаров. Ўзбекчилик. Т.: “Ношир”, 2012 й.

Интернет сайтлари

1. www.bilim.uz.
2. www.philosophy.ru.
3. www.history.ru.
4. www.gov.uz - Ҳукумат сайти.
1. www.press-service.uz - Президент сайти.
2. www.ziyo.edu.uz - Вазирлик сайти.

ИЛОВАЛАР:

Ёшларга ўн маслаҳат

1. Сенга ҳаёт бахш этган онангни ва ҳар вақт сенга ёрдам бериб, ҳаётингни кўриқловчи зотларни ҳурмат қил, уларнинг иззат-икромларини бажо келтир.
2. Ака-ука, опа-сингил, қариндош-уруғ ва ёр-дўстларингга муҳаббат ҳамда садоқат ипи билан боғлан.
3. Маъносиз йўллардан, шараф ва номусингни барбод қиладиган ишлардан йироқ бўл.

4. Ёшлигингни, ҳиссиётинг, соф-поклигингни, сихатинг, номусинг, обрў ва эътиборингни қўриқла.
5. Севишни бил, муҳаббат ва соғлом ақл ўзингга умр йўлдош танлашда йўлбошчи бўлсин.
6. Имконинг етган вақтда дарҳол уйлан, бир оила ташкил қилиб, ўзингга бир саодат ошёнени ҳозирла. Бу ишинг инсоний вазифа, ўхшаши бўлмаган саодат воситасидир.
7. Ўғилларингни сабрли, матонатли, фазилатли ва шижоатли қилиб етиштир. Қизларингни ҳам гўзал хислатли қилиб тарбияла.
8. Оиланг ҳаётини гўзал суратда давом эттир. Оиланг даврасини сев, у кўзга ёқимли, қалбга завқ-шавқ бахш этиши учун кучингни сарф қил.
9. Лутфкор ва шафқатпарвар бўл. Бошларига мушкул иш тушган, фалокатга дучор бўлганларга тасалли бер, мушкулликдан қутулишида уларга ёрдам қил.
10. Бўш вақтингдан бир қисмини одоб ва ахлоққа қарши бўлмаган ўйин-кулгиларга сарф қил.

(“Оз-оз ўрганиб доно бўлур” китобидан.)

ЭНГ КАТТА ҲАҚИҚАТ

Энг катта мерос – аجدодлар илму зиёси!

Энг катта орзу – авлодлар бахти!

Энг катта давлат – тадбирли ота!

Энг катта мукофот – оқил фарзанд!

Энг буюк китоб – ибратли умр!

Энг мустаҳкам қўргон – иймон!

Энг буюк тадбир – Оллоҳнинг иродаси!

Энг катта ҳақиқат – ҳаёт!

Энг олис манзил – илму маърифат!

Энг меҳрибон дӯст – устоз ва иқтидор!
Энг чарогон йўл – поклик ҳамда саодат!
Энг катта куч – бирлик ва ғайрат!
Энг буюк оқибат – меҳр-шафқат!
Энг кучли душман – ҳасад!
Энг катта хатар – жоҳиллик!
Энг даҳшатли хато – хиёнат!
Энг ёмон кулфат – илмсизлик!
Энг олий жазо – эрксизлик!
Энг мудҳиш азоб – ёлғизлик!
Энг сўнгги чора – ўлим!

(Б.Ҳайдаров. “Инсоннома” китобидан)